

**“Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекциясининг 2015 йил давомида олиб  
борилган назорат-профилактика ишлари яқунлари бўйича  
ҲИСОБОТ**

Давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қилиб, Давлат инспекцияси бошлиғи тасдиқлаган иш режа ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига мувофиқ бир қатор ишларни амалга оширди.

Ҳисобот даврида “Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси ходимлари томонидан назорат остидаги корхона ва ташкилотларда 5499 та давлат назорати, 8238 та назорат-профилактика ишлари ўтказилиб, 35358 та саноат, радиация хавфсизлиги талаблари ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва қоида бузилишлар аниқланди. 206 та корхонада ишлар вақтинча тўхтатиб қўйилди. 1624 та инженер-техник ва раҳбар ходимларга жарима солинди.

Назорат остидаги корхона ва ташкилотларда умумий 69 та бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилиб, булардан 20 таси ўлим билан тугаган. (2014 йил ҳисобот даврида умумий 81 та ва ўлим билан 27 та).

**Кўмир, кон-руда ва норуда саноатини назорат қилиш ҳамда геология-маркшейдерлик  
назорати инспекцияси**

Тармоқ инспекцияси 2015 йил давомида “Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган иш режасига, чиқарилган буйруқлари ва Давлат назорати бошқармаси томонидан берилган топшириқлари асосида, ҳамда тармоқ инспекцияси томонидан тасдиқланган инспекторларнинг йиллик иш режаларига мувофиқ, назорат остидаги корхона ва объектларида авария ва нохуш ҳодисаларни олдини олиш, ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва саноат хавфсизлигига доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этишлари юзасидан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ-1524 сонли қарори билан тасдиқланган “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 49, 50, 59, 60 – бандларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 июлдаги ВМҚ 220-сон қарори билан тасдиқланган “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом” талаблари ижросини таъминлаш асосида ҳамда, “Саноатгеоконттехназорат” ДИ низомида белгиланган вазифа ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда назорат-профилактика ишларни олиб борди.

Тармоқ инспекцияси ходимлари томонидан 2015 йил давомида “Ўзбеккўмир” ОАЖ, “Шаргункўмир” ОАЖ, “Олмалик КМК” ОАЖ, “Навоий КМК” ДК, “Узкимёсаноат” ДАК, “Узавтойўл” ДАК, “Ўзбекэнерго” ДАК “Узқурилишматериаллари” АК ларига қарашли корхона ва объектларда назорат-профилактика ишлари олиб борилиши натижасида 13578 та меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланиб, ушбу корхона ва объект раҳбарларига 1500 мартаба аниқланган камчиликларни бартараф этилиши юзасидан ёзма кўрсатмалар берилди. Тармоқ инспекцияси назорати остидаги корхоналарда саноат хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя этмаган 510 нафар раҳбар ва инженер техник ходимга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди, умумий жарима миқдори 68823161 сўмни ташкил этди ва юз фоиз ундириб олинди. 76 объектда ишлар вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Шу қаторда, 72 та “Техник иқтисодий асослаш” лойиҳаси, 110 та “Кон-ажратиш далолатномаси”, 15 та “Кон қазииш лойиҳаси”, 145 та “Йиллик кон қазииш ишлари режаси”, 20 та “Сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатномаси”, 231 та 5 гр шакилдаги (“Захираларнинг ҳаракати”) ҳисоботлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб ва келишилди.

Содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сони жами 38 та шулардан, 1 таси гуруҳий (Зкиши) 8 таси ўлим билан тугаган, 10 таси оғир тан жароҳати олганлар, 19 та енгил тоифадаги бахтсиз ҳодисалардир. Оқибати оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 06.06.1997 йилдаги 286-сонли қарори талабларига мувофиқ махсус текширишлар ўтказилиб текширув натижалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилди. 5 мартаба Ҳайъат мажлисида бахтсиз ҳодисанинг текширув натижалари ва бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганиб чиқилди. Раҳбар ва муҳандис-техник ходим (МТХ) лардан 26 тасига интизомий, 6 тасига маъмурий чоралар қўлланилди, 3 та МТХ эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди,

“Олмалик КМК” ОАЖнинг Ангрен кон бошқармасида, “Ўзбеккумир” ОАЖга қарашли “Ангрен кўмир кони” филиалларида ўқув семинарлари ўтказилди.

“Навоий КМК” ДКга қарашли “Мурунтау”, “Чармитан”, “Гужумсой” конларида, “Ўзбеккумир” АЖга қарашли “Ангрен кўмир кони”, “Апартак” кўмир кони ва “Шаргункўмир” конларидаги захираларни очиш, тайёрлаш ва қазиб олиш меъёрий нормативларини талаб даражасида олиб борилмаётганлиги сабабли режалаштирилган қазиб олиш ишлариаларининг бажарилиши орқада қолиб кетмоқда, яъни фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш учун зарур бўлган норматив тайёрлов захираси тўлиқлигича бажарилмаган, кон тайёрлов ишлари (горно-подготовительные работы) орқада қолмоқда.

“Шаргун” кўмир конида конни тайёрлаш ва қазиб олиш ишлари меъёри умуман таъминланмаган, яъни биронта ҳам блок кўмир қазиб олиш учун тайёр эмас.

Дехқонобод калий ўғитлар заводига қарашли кон мажмуасида капитал тайёрлов (ГКР) ишлари 500 п/м тўлиқ бажарилмаганлиги оқибатида коннинг тайёрлов ишлари меъёрий кўрсаткичларга нисбатан орқада қолмоқда, яъни 3 ва 5 чи панеллар (штольнялар) қазиб олиш ишларига тайёр эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сонли қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари тасдиқлаган Вазирлар Маҳкамасининг портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиб воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2015 йил йил иш режаси ҳамда тармоқ инспекцияси иш режалари асосида ойлик, чорак, йиллик иш режалари ва кўрсатмаларига асосан “Навоий КМК” давлат корхонаси, “Ўзбеккумир”, “Олмалик КМК” АЖ ва “75 Махсус бошқармаси” МЧЖи объектларида назорат профилактика ишларини олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 112-сонли “Қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг 1-иловасига мувофиқ 2 та корхонага, “Олмалик тоғ-металлургия комбинати” АЖ ва “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхоналарига қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолияти билан шуғулланиш учун 2012 йилда лицензия берилган. Лицензия шартларини бажарилиш бўйича жойларга чиқиб корхоналарнинг иш фаолияти назорат-таҳлил қилиниб борилмоқда.

Тармоқ инспекциясининг давлат инспекторлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.05.2011 йилдаги ПҚ-1524-сонли “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.01.1997 йилдаги 20-сонли “Ер ости бойликлари тўғрисида” қарорига мувофиқ ер қаъри участкаларидан фойдаланувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди:

2015 йил 12 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов томонидан тасдиқланган 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38 ва 39-сонли баённомаларига мувофиқ “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясига бир қатор вазифалар юкланган. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида фойдали қазилмаларни қазиб олаётган корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб чиқилди “Норуда фойдали қазилмалардан иборат бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш” комиссиясига ҳулосалар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг хатларига мувофиқ жорий йилда ер қаъри участкаларидан фойдаланаётган 45 та корхона ва ташкилотларда шунингдек дарё ўзанини тозалаш қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари билан шуғулланиб келган 409 та корхоналарда ўрганиш ишлари олиб борилиб, ер ости бойликларида фойдаланиш қонун ва қоидалари талаблари бажарилиши юзасидан 454 та тегишли мутахассис ҳулосаси ва маълумотлари тақдим этилди.

Кўмир кон руда ва норуда саноатини назорат қилиш ҳамда геология-маркшейдерлик назорати тармоқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 май кунги ПФ-4725 сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекциясининг 2015 йил 30 октябрдаги 03/01-70-Б сонли буйруғи ижросини бажариш юзасидан, яъни тадбиркорлар фаолияти ривожланишида зарур бўлган барча қулай шароитларни яратиш мақсадида бир қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, тармоқ инспекциясида кенг ўрганилди

ва назорат остидаги объектларда бу фармон ва давлат инспекциясининг буйруқлари тарғиб этилди.

Шунингдек “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Ўртаосиёмахсус қурилиш” ДБ да ва корхона ташкилотларда йиғилиш семинарлар ташкиллаштирилди

2015 йилнинг октябрь ойига қадар Кўмир кон руда ва нурда саноатини назорат қилиш ҳамда геология-маркшейдерлик назорати тармоқ инспекцияси томонидан “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Ўртаосиёмахсус қурилиш” АЖ да ва Тошкент вилояти Бўка, Чиноз, Янгийўл, Қибрай туман хокимиятларида шунингдек назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг режа жадвали асосида режалаштирилган корхоналарда ҳам Президентимиз фармонлари тарғиб қилиниб баённомалар расмийлаштирилди.

Тармоқ инспекция томонидан 6 та семинарлар ўтказилиб, 300 дан ортиқ хусусий тадбиркорлар қатнашди. Шунингдек “Фармон ижроси сўзсиз таъминланмоқда” мақола чоп этилди. Тармоқ инспекциясига 50 дан ортиқ мурожаат этган тадбиркорларга ер қаъридан фойдаланиш талаб ва шартлари ҳамда лицензия ва рухсатномаларни олиш бўйича тегишли маслаҳатлар ва амалий ёрдамлар берилди. Тадбиркорларнинг мурожаатларини қабул қилиш дафтарлари юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг 2015 йилга мўлжалланган тадбирлар режасига мувофиқ, жорий йилнинг учунчи чорагида Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Ўзбекистон Республикаси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари” мавзусида бўладиган давра суҳбатларида тармоқ инспекциянинг масъул ходимлари иштирок этиб ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларни тақдим этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Табиий ресурслардан фойдаланиш тартиб тамойиллари ва механизмини ишлаб чиқиш ҳамда олинаётган ресурсларни кадастрини юритиш тўғрисида норматив ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадида тармоқ инспекциянинг таклифлари тақдим этилди.

Шунингдек “Очиқ кўмир конларидаги электр қурилмалар учун хавфсизлик нормалари ва уларни хавфсиз эксплуатация қилиш бўйича талаблар” тўғрисида ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, вазирликлар билан келишилди. Семинарлар якунида иштирокчиларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралаштириш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган тарқатма материаллар берилди.

2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурига мувофиқ ҳар бир инспекторларнинг иш режасига киритилган, мониторинг жараёнида камчиликларни жойида бартараф этиш бўйича тавсияларни бериб, тадбиркорларга қулай шарт-шароитларни яратиш, мақсадида тармоқ инспекцияси томонидан бериладиган рухсатномаларни “Бир дарча” тамойилини амалга ошириш ишлари режалаштирилди.

#### **Нефт ва газ саноатини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Инспекция ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси 2006 йил 28 сентябрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги” тўғрисидаги 57-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 649-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг “Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратиш далолатномаси бериш тартиби” 20-сонли, “Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 131,271,111-сонли қарорлари ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2014 йил 30 ноябрдаги 04-сонли қарори билан тасдиқланган Режа-жадвали ва бошқа норматив-ҳуқуқий, норматив-техник ҳужжатларга асосан ва “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси бошлиғи Б.В.Гулямов томонидан тасдиқланган 2015 йил иш режаси асосида “Ўзбекнефтегаз” МХКга қарашли корхоналарда, “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АҚси, “Ўзгеобурғунефтегаз” АҚси, “Ўзнефтмахсулот” АҚси, “Ўзтрансгаз” АҚси, “Ўзнефтгазқурилишинвест” АҚси, тўққизта чет эл ва қўшма корхоналарда 2015 йил учун саноат ва техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ва инспекция билан келишилган режалари асосида иш фаолиятларини олиб борди. Шу билан бирга саноат хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника, газ, ёнғин, электр ва фонтан хавфсизлиги ҳолатларини ўрганиш бўйича текширишлар олиб бордилар.

“Нефт ва газ саноатида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг ягона тизими”га асосан, акциядорлик компаниялари томонидан тасдиқланган 4-поғонали текшириш жадваллари асосида 2015 йил давомида “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АКсининг унитар корхоналари ва унинг филиалларида, “Ўзтрансгаз” АКси тасарруфидаги корхоналар: Фарғона магистрал газ қувурлари бошқармаси, Муборак магистрал газ қувурлари бошқармаси, Газли магистрал газ қувурлари бошқармалари, “Ургенчтрансгаз” ШК тасарруфидаги магистрал газ қувурлари бошқармаларида,

“Ўзнефтгазқурилишинвест” АКсига қарашли “Бухорогазсаноатқурилиш” ОАЖ, “Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш” ОАЖ, “Қашқадарётранссервисқурилиш” унитар корхоналарида назорат-текширув ишлари олиб борилди. Корхона раҳбарлари ва инженер техник ходимларга йўл қўяётган камчиликлари кўрсатиб ўтилган ва маъмурий жазога тортилганлар.

Қўшма корхоналарда, яъни “Гиссарнефтегаз” ҚК, “ЛУКОЙЛ Ўзбекистан Оперейтинг Компани” ҚК, “ERIELL” (Чехия) ЧК, “ЎзМалОйл” ҚК “Ўзбекистон - Хитой” ҚКларида текширув ишлари олиб борилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини назорат қилувчи мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2015 йил режа-жадвалига асосан, 2015 йил давомида назорат остидаги 91 та корхона ва ташкилотларда режали назорат-текширув ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида 956 та меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланиб, камчиликларга йўл қўйган 84 та раҳбар ва ходимларга нисбатан 10667840 сўм миқдориди жарима солинган.

Юқорида кўрсатилган компанияларнинг Доимий Харакат Комиссияси, саноат ва техника хавфсизлиги бўлимлари ходимлари ва бош мутахассислари иштирокида ўтказилган текширувлар, мониторингларда инспекция ходимлари фаол қатнашдилар.

Инспекция бош мутахассиси Р.Б.Иргашев, “Ўзбекгеофизика” АЖ раҳбариятининг таклифи билан, жамиятнинг доимий ҳаракатдаги комиссияси таркибида “Фарғона ГЭ”, “Бухоро ГЭ”, “Яккабоғ ГЭ,” ва “Амиробод КГЭ” филиалларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини текширди. Текширув натижасида жами 82 та меъёрий – ҳуқуқий ва техник ҳужжатларининг талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатма, таклифлар киритилди.

Инспекция ходимлари томонидан 2015 йил давомида “Ўзбекнефтегаз” МХКнинг “Ўзгеобурғунефтегаз”, “Ўзнефтгазқазибчиқариш”, “Ўзнефтмахсулот”, “Ўзтрансгаз”, “Ўзнефтгазқурилишинвест” акциядорлик компаниялари тасарруфидаги корхоналарига қарашли корхоналарда 744 та текширув ўтказилиб, жами 7029 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди.

Ҳисобот даврида инспекция назорати остидаги корхоналарда 4 та гуруҳий, 3 та ўлим ва 3 та оғир тан жароҳати билан тугаган бахтсиз ҳодисалар содир бўлди.

2015 йил давомида жорий йилнинг 24 август кунини «Ўзтрансгаз» АКга қарашли Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармаси тасарруфидаги Янгйер-Тошкент магистрал газ қувурида авария содир бўлди.

Инспекция инспекторлари авария ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш бўйича мунтазам равишда корхона ва ташкилотларда йил бошида тасдиқланган ўз иш режаларига асосан текширувлар ва режадан ташқари назорат-профилактика ишлари олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 07 июлдаги “Республика иқтисодиёт тармоқларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора тadbирлари тўғрисида» ги ПҚ-2367 сонли қарори, «Саноатгеоконттехназорат» ДИ бошлигининг 10.07.2015 йилдаги №-03/01-46-б сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзтрансгаз” АК тасарруфидаги Магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли АГРС, ГРСлар ва магистрал газ қувурининг техник ҳолати бўйича назорат-текширувларни ишларини олиб бордилар.

Инспекция ходимлари “Ўзбекнефтегаз” МХК тасарруфидаги корхоналарнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва техника хавфсизлиги муҳандисларини билимларини синаш комиссиялари ишида иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли қарорини таъминлаш мақсадида "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган қонуниятлар ва омилларни тадқиқ этиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 32 та семинарлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли қарорини таъминлаш мақсадида "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ-57-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган омилларни таҳлил қилиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиниши бўйича «Қарши нефтбаза» УК, «Шаҳрисабз нефтбаза» УКда унга қарашли филиалларда ҳамда хусусий корхона ва фирмалар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда жами 264 киши қатнашди.

Тармоқ инспекцияси ходимлари нефт ва газ қазиб чиқарувчи корхоналар тарафидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 649-сонли "Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида" ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тарафидан тақдим этилган ҳужжатларга инспекцияда ўрганиб чиқилмоқда ва инспекцияда чиқарилаётган фармойишларга биноан фойдаланиш учун лицензия берилаётган ер қаъри участкаларида дастлабки текширишлар ўтказилмоқда.

Фойдаланиш учун лицензия берилаётган ер қаъри участкаларида ўтказилган дастлабки текширишлар натижасида тузилган далолатномалар асосида корхоналарда режалар тузилиб уларнинг бажарилиши инспекторларимиз тарафдан назоратга олинмоқда.

Ҳисобот даврида инспекция томонидан нефт-газ қудуқларини қазिश бўйича тақдим этилган 63 та ишчи-лойihalари кўриб чиқилди ва келишилди.

Тармоқ инспекцияси ходимлари нефт ва газ қазиб чиқарувчи корхоналар тарафидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 649-сонли "Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида" ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тарафидан тақдим этилган ҳужжатларга инспекцияда ўрганиб чиқилмоқда ва инспекцияда чиқарилаётган фармойишларга биноан фойдаланиш учун лицензия берилаётган ер қаъри участкаларида дастлабки текширишлар ўтказилмоқда.

Фойдаланиш учун лицензия берилаётган ер қаъри участкаларида ўтказилган дастлабки текширишлар натижасида тузилган далолатномалар асосида корхоналарда режалар тузилиб уларнинг бажарилиши инспекторларимиз тарафдан назоратга олинмоқда.

Тармоқ инспекцияси ходимлари тарафидан назорат остидаги углеводород хом ашёси қазиб олувчи корхоналарда "Ер ости бойликлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 649-сонли қарори ва бошқа ҳуқуқий ва норматив техник ҳужжатлар талабларини бажарилиши юзасидан олиб борилган назорат ишлари натижасида корхоналардаги муддати ўтган лицензиялар ва кон ажратиш далолатномалари янгиланди.

Давлат инспекторлари томонидан берилган ёзма буйруқлар корхона раҳбарлари ва муҳандис техник ходимлар томонидан ўз вақтида бажарилиш таъминланмоқда. Ёзма буйруқларда кўрсатилган камчиликларнинг ўз вақтида бажарилмаганликлари учун корхона раҳбарлари ва муҳандис техник ходимларга маъмурий жазолар қўлланилмоқда.

Инспекция назорати остидаги корхона ва ташкилотларда учраётган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун инспекцияда ҳар ойда бир маротаба (охирги пайшанба) очик эшиклар куни ўтказилмоқда ва 2 та ишонч телефонлари ташкил этилган бўлиб, мурожаат этаётганларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари Ғ.Ибрагимов раислигидаги 22.01.2015 йилдаги 06-06-6-3 сонли мажлис баёнининг 3 банди 7-хат боши талабларини бажариш мақсадида "Ўзбектефгаз" Миллий Холдинг Компанияси тасарруфидаги назорат остидаги "Ўзнефтвергазқазибчиқариш" АКси, "Ўзгеобурғунетегаз" АКси, "Ўзнефтвермаҳсулот" АКси, "Ўзтрансгаз" АКси, "Ўзнефтвергазқурилишинвест" АКси корхоналарда "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган омилларни тадқиқ этиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларида содир бўлиши мумкин бўлган авария ва бахтсиз ҳодисалар олдини олиш ва профессионал хавфсизлик даражасини оширишга доир чора-тадбирлар режалари Давлат инспекциясининг тармоқ инспекцияси билан келишилиб ишлаб чиқилди.

**Геология-разведка ишлари олиб борилишини назорат қилиш**  
**тармоқ инспекцияси**

Тармоқ инспекцияси 2015 йил давомида “Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган иш режа, чиқарилган буйруқлари ва Давлат назорати бошқармаси томонидан берилган топшириқлари асосида, ҳамда тармоқ инспекцияси томонидан тасдиқланган инспекторларнинг йиллик иш режаларига мувофиқ, назорати остидаги хўжалик юритувчи субъект объектларида авария ва нохуш ҳодисаларни олдини олиш, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этишлари юзасидан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ–1524 сонли қарори билан тасдиқланган “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 49, 50, 59, 60 – бандларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 июлдаги 220-сон қарори билан тасдиқланган “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги НИЗОМ” талаблари ижросини таъминлаш асосида ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 131-сонли “Саноатгеоконттехназорат” ДИ низомида белгиланган вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда назорат-профилактика ишларни олиб борди.

Тармоқ инспекцияси давомида Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли “Қорақалпоқ ГТИЭ” ДК, “Ялпи ГТИЭ” ДК, “Оролбўйи ГГЭ” ДК, “Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ” ДК, «Фарғона ГГЭ» ДК, “Жанубий-Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “Марказий-Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “ГИДРОИНГЕО” ДК, “Давлат геология ахборот маркази” ДК, “Шарқий-Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “Ингичка ОМТЭ” ДК, “Гидроминерал ресурслар геологияси” ИИМ ДК, “Марказий ГГЭ” ДК, “Китоб давлат геология кўриқхонаси” ДК, “Марказий лаборатория” ДК, “Геология музейи” ДК, “Олмалиқ КМК” АЖ га қарашли “Рангли металллар геологияси” ИИМ, “Навоий КМК” ДК “Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси” ИИМ ларида назорат-профилактика тадбирлари олиб борилди. Тадбир натижасида 805 та меҳнатни муҳофаза қилиш (ММК) ва техника хавфсизлиги (ТХ) коидалари бузилишлари, яъни 462 техник, 343 та ташкилий масалалар бўйича қоида бузилишлари аниқланди. Тармоқ инспекцияси назорати остидаги корхоналарда геология қидирув ишларида хавфсизлик коидалари (ГҚХК) талабларига риоя этмаган 39 нафар инженер техник ходимга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди, умумий жарима миқдори 4712320 сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давгеолқўмдан келган 58 та “Умумлашган техник иқтисодий хисобати” (УТЭР) геологик лойиха ҳужжатлари ўрганилди ва эксперт хулоса берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 август 2013 йил 225-сонли “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори ижроси юзасидан, давлат корхоналардан келишиш учун келган 56 та геологик лойиҳанинг “Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимини ўрганиб чиқиб, тармоқ инспекцияси томонидан келишилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ–1524 сонли қарори билан тасдиқланган “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 49, 50, 59, 60 – бандларига асосан, 2015 йил 9 ой давомида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш Комиссияси” нинг 28-37 сонли кенгаш баёни 1, 2, 3 бандларига мувофиқ, Давлат геология қўмитаси ва “Саноатгеоконттехназорат” ДИ билан биргаликда тузилган ишчи гуруҳ таркибида сўралаётган ер қаъри участкасида қўшимча тугал тадқиқотларни амалга оширди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди бўйича жами 66 та корхонада ўрганиш ишлари олиб борди.

Тармоқ инспекция ходимлари томонидан жароҳатланиш, авария, нохуш ҳодисалар ҳолатларига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш мақсадида, ташкилотларда мавжуд бўлган камчиликларни таҳлил қилинган ҳолда, мансабдор шахс ва ишчилар билан меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги маъвуларида “Қорақалпоқ ГТИЭ” ДК, “Ялпи ГТИЭ” ДК, “Оролбўйи ГГЭ” ДК, “Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ” ДК, «Фарғона ГГЭ» ДК, “Жанубий Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “Марказий Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “ГИДРОИНГЕО” ДК, “Давлат геология ахборот маркази” ДК, “Шарқий Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “Ингичка ОМТЭ” ДК, “Гидроминерал ресурслар геологияси” ИИМ ДК, “Марказий ГГЭ” ДК, “Китоб давлат геология кўриқхонаси” ДК, “Марказий лаборатория” ДК, “Геология музейи” ДК, Олмалиқ КМК га қарашли “Рангли металллар геологияси” ИИМ ларида суҳбат тарзида семинарлар ва 2009 йил 1 май 84-сонли буйруғига асосан

“Очиқ эшиклар куни” юзасидан йиғилиш ўтказилиб, иш жараёнида ёки кундалик турмушда келиб чиқиши мумкин бўлган баъзи муаммолар юзасидан очиқ мулоқатлар олиб борилди, ҳамда баъзи бир ечимини топмаган муаммолар юзасидан “Ишонч телефонлари”га мурожаат этишлари тавсия этилди.

Назорат остидаги корхона ва ташкилотларда 2015 йил давомида умумий 1 та (2014 йил ҳисобот даврида 2 та бўлган) бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилиб, у ҳам бўлса ўлим билан тугаган. Хужжат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилган.

Геология-разведка ишлари олиб борадиган корхоналарда (экспедицияларда) тоғ-кон ва бурғулаш дастгоҳларини деярли 80% ишлаш муддатини ўтаб бўлган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига, “Навоий КМК” ДК га қарашли “Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси” ИИМ ҳамда “Олмалиқ КМК” АЖга қарашли “Рангли металллар геологияси” ИИМ корхоналари дастгоҳ ва қурилмаларни сотиб олиш учун тендер савдо ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари яна бир муаммо бу, кадрлар масаласи. Миллий кадрлар масаласи ҳам геология йўналишида оксаяпти, ҳамда геологик адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиб, билим юртларига дарслик сифатида кенг қўлланилиши керак, ҳамда назорат профилактик ишларни олиб боришда йўл қўйилаётган қоидабузарликлар ва камчиликлар таҳлил қилинганда, аксарияти раҳбарият ва маъсул шахслар томонидан назорат сусайтирилганлиги ва айрим инженер техник ҳамда ишчи ходимларнинг малакаси камлиги сабаб бўлмоқда.

Геология-разведка ишлари олиб борилишини назорат қилиш тармоқ инспекцияси 2015 йил давомида олиб борилган назорат-профилактика тадбирлари натижасида, 39 та раҳбар ва инженер техник ходим маъмурий жазога тортилди (жами: 4 712 320 сўм). Бундан ташқари 78 та раҳбар ва инженер техник ходим (48 та раҳбар 30 та инженер техник ходим) интизомий жазога тортилдилар ҳамда 2 та раҳбар ходим билан меҳнат шартномаси тўхтатилди.

**Кимё, металлургия ва нефт-газни қайта ишлаш саноатларини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Кимё, металлургия ва нефт-газни қайта ишлаш инспекцияси назорати остидаги корхоналарда 196 та саноат корхонаси бўлиб, уларда 7890 та объектлар мавжуд. 2015 йил давомида инспекция ходимлари томонидан «Ўзкимесаноат» Давлат акционерлик компаниясига қарашли «Навоийазот» АЖ, «Фарғонаазот» АЖ, «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи», «Максам-Чирчиқ» АЖ ва «Аммафос-Максам» АЖ, шунингдек «Ўзметкомбинат» АЖ корхоналарида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаш режаси, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Ш. Мирзиёев томонидан 2012 йил 10 июнда тасдиқланган «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаш» йиғилишининг

1-сонли баёни, 1-иловасига асосан тузилган режа асосида технологик жараёнларни бехатар олиб борилиши ва жараёнларни олиб боришда юз берган носозликлар тафтиш қилинди, шу билан бирга жорий этилган ўқитиш тартибига риоя қилиниши, ишчи ва муҳандис ходимларнинг техника ва меҳнат хавфсизлиги билимлари текширилди.

2015 йил давомида 23 та гуруҳли, 180 та мақсадли текширувлар ўтказилган ҳамда 22 та назорат тартибидея текшириш ўтказилган, меъёрий хужжатлар талаблари 2080 та банди бузилганлиги аниқланган, ушбу камчиликларнинг 4% и муддати тугамаганлиги ва моддий маблағлар масаласи ечими топилмаганлиги сабабли бажарилмади, аниқланган меъёрий техник хужжатлар талабларига жавоб бермайдиган ҳолатлар бўйича 125 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиб, 17392960 сўм миқдорида жарималар солинган, барча текширилган корхона раҳбарларига ёзма буйруқ ва далолатномалар берилди.

Шу билан бирга, хавфли ишлаб чиқариш объектларида ташкил қилинган саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиниши бўйича 5757 та ишчи ва муҳандис ходимларнинг билимларини синаш жараёнида иштирок этилиб, улардан 751 та ходимларнинг билими қониқарсиз деб топилди, уларга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда чоралар кўрилди.

2006 йил 28 сентябрь 57-сонли “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини тарғибот қилиш, назорат остидаги корхона ва ташкилотларда ходимларни билим даражаларини ошириш, содир бўлиши мумкин бўлган авария ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш борасида семинар-йиғилишлар ўтказилди, шунингдек техник ускуналардан хавфсиз фойдаланишга қаратилган норматив-техник хужжатлар талабларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар олиб борилди.

Хусусан, 11 та семинар йиғилиш “Ўзбекнефтегаз” МХК “Фарғона НКҲИЗ” корхонасида ҳамда “Шуратнефтегаз” УШКда ўтказилди, 6 та семинар йиғилиш “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналарда ўтказилди. Шу билан бирга 404 та корхонада бевосита жойларга чиқиб, саноат хавфсизлиги талабларини бажариш бўйича кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилган.

Ҳисобот даврида инспекция назорати остидаги “Ўзкимёсаноат” АЖ тасарруфидаги “Фарғонаазот” АЖ корхонасининг ҳаво ажратиш цехида жорий йилнинг 13 январь куни оқибати ишчи ходимларнинг оғир тан жароҳат олиши билан тугаган бахтсиз ҳодиса содир бўлди, “Олмалиқ ТКМК” АЖ нинг мис эритиш заводида 20 март куни оқибати 1та ўлим ва 1та энгил тан жароҳати олиши билан тугаган гуруҳли бахтсиз ҳодиса содир бўлган. “Ўзбекнефтегаз” МХК тасарруфидаги “Фарғона НКҲИЗ”да 11 май куни оқибати оғир тан жароҳати олиши билан тугаган бахтсиз ҳодиса содир бўлган.

Бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиш асосий манбаларидан бири деб, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига айрим мутасадди инженер-техник раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, ҳамда ишчи ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини қўлламадан хавфли ишларни бажаришини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир.

Ўзбекистон Республикасининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастурига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги “Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 72-сон қарорига асосан эскирган ва энергияни кўп талаб қиладиган технологик асбоб-ускуналар, маънавий эскирган технолоқ қурилмаларни, замонавий, жаҳон даражасида синаб кўрилган асбоб-ускуналар ва технологиялар билан алмаштирилиши ўрнатилган муддатларда тизимли давом эттириш ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган авария ва ноҳуш ҳодиса ҳамда бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг 2012 йил 21 июлдаги 9 сон Ҳайъат мажлиси қарори ижроси таъминлаш мақсадида тармоқ инспекцияси назорати остидаги “Ўзкимёсаноат” ДАК ва “Ўзбекнефтегаз” МХК тасарруфидаги корхоналарда маънавий эскирган технологик қурилмалар, босим остида ишловчи ва зарарли муҳитда ишловчи қувур ва идишларни замонавий, жаҳон даражасида синаб кўрилган асбоб-ускуналар ва технологиялар билан алмаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилиб, тасдиқлаб белгиланган тартибда Давлат инспекцияси билан келишилишини таъминланди.

Мазкур маънавий эскирган технологик қурилмалар, босим остида ишловчи ва зарарли муҳитда ишловчи қувур ва идишларни замонавий, жаҳон даражасида синаб кўрилган асбоб-ускуналар ва технологиялар билан алмаштириш чора-тадбирларини бажарилиши юзасидан танқидий таҳлил ҳар чоракнинг кейинги 1 ўн кунлигида давомида тармоқ инспекциясида ижрочилар иштирокида кўриб чиқилди.

Инспекторларга назорат остидаги объектларда масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ҳамда координация режа графиги ва тасдиқланган йиллик режага асосан назоратни кучайтириш, шу билан бирга саноат хавфсизлиги бўйича норматив техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш, талабчанликни ошириб, берилган ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиш вазибалари белгиланди.

#### **Буг қозонларини ва кўтариш иншоотларини назорат қилиш инспекцияси**

Буг қозонларини ва кўтариш иншоотларини назорат қилиш тармоқ инспекцияси назорат остидаги корхона ва ташкилотларда Саноат хавфсизлигига доир қонун ҳужжатлари ва меъёрий-техник ҳужжатларга, шунингдек давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги “Иссиқлик билан таъминловчи зиёнга ишлайдиган корхоналарини молиявий соғломлаштириш дастурини амалга ошириш чоралари бўйича” 197-сонли қарорини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган “Иссиқлик билан таъминлаш тартибини замонавийлаштириш ва ривожлантириш ТИАЛ(ПТЭО) лойиҳалари ва асосий йўналиш (Концепция)ларни ўз вақтида ишлаб чиқиш чоралари бўйича” Республика шаҳарларининг иссиқлик билан таъминлашни ривожлантириш бўйича инспекция ходимлари ўз ваколати доирасида ишлар олиб боришмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимовнинг 2014 йил 20 ноябрдаги оғзаки топшириғини ижросини таъминлаш мақсадида қиш мавсумида аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаётган Республикада мавжуд ИЭМларида ишлаб чиқарилаётган иссиқлик энергиясининг ҳарорати бўйича кунлик маълумот 2015 йил 21 февраль кунига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритилди.



2015 йил давомида инспекциямиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 310-сонли қарорини бажариш бўйича Республикамиз ҳудудида қурилатган АГТКШ бўйича 117 та ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорини бажариш бўйича 95 та ҳужжатлар кўриб чиқилди ва ҳулосалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Ш.М.Мирзиёев тасдиқлаган 23.12.2014 йилдаги Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси мажлисининг 146-сонли баёни (31.12.2014 йил №ЭДО-06-40-8) 14- бандида республикада ностандарт, қўлбола ва кўп энергия сарфлайдиган қозонларнинг ишлатишига чек қўйиш бўйича тегишли чораларни амалга ошириш, ҳамда икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда республикадаги мавжуд ностандарт, қўлбола ва кўп энергия сарфлайдиган қозонларни алмаштириш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқилиб Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Давлат назорат бошқармаси томонидан лицензия, рухсат бериш характериға эға ҳужжатларни бериш (рад этиш) га ҳулоса чиқариш юзасидан вазирлик ва идораларнинг жавобгар шахсларига зарур бўлган маълумот жадвали ва “Хўжалик юрутувчи субъектларига кейинчалик давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 377-сонли қарори бўйича, хўжалик юрутувчи субъектларига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни мониторинг сифати ва юритилиши бўйича тақдим этилган жадваллар тўлдирилиб, давлат назорат бошқармасига тақдим этилди.

Республикада мавжуд 28 та йирик шаҳардан 20 тасининг иссиқлик тизимларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш концепциясини бажариш бўйича ишлаб чиқилаётган техник иқтисодий асослаш лойиҳаси инспекция ходимлари томонидан келишилиб, ҳамда жойларда мавжуд қозонхона ва қозонларнинг ҳолати бўйича ўз ҳулосаларини бериб, концепцияни бажарилишига ҳисса қўшишмоқда.

“Иқтисодият тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соға объектларини 2015/2016 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлашни таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 мартдаги 26-сон селектор йиғилишининг баёни бўйича тузилган ишчи гуруҳ ўз ишини давом эттирмоқда, ҳамда газ тансиқлиги қутилатган ҳудудлардаги ижтимоий соға объектлари иситиш қозонларини кўмирда ишлашга мослаштириш ёки янгисига алмаштириш манзилли дастури ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

“Марказгазтаъминот” УКнинг Жиззах вилоят газтаъминоти бошқармасининг мажлислар залида, 2015 йил 3 декабр куни 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсуми яқунларига ва “Ёнғин хавфсизлиги ойлиғи”га бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди. Йиғилиш вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Фавкуллда вазиятлар бошқармаси ҳамкорлигида бўлиб ўтди. Йиғилишда Жиззах вилоят газтаъминоти бошқармаси шаҳар-тумангаз филиаллари муҳандис-техник ходимлари ва 8-нафар тадбиркорлари жами 50-нафар иштирокчилар қатнашди.

“Тошкентгазтаъминот” УКнинг мажлислар залида, 2015 йил 7 ноябр куни 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсуми яқунлари ва хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишлаб чиқариш назоратини ташкил этиш бўйича семинар-йиғилиш ўтказилди.

2015 йил 9 ноябр куни “Тошкент” телеканалининг “Пойтахт” информацион дастурида интервью бериб чиқиш қилинди.

2015 йил 13 декабр куни “Ёшлар” телеканалининг “Давр” информацион дастурида соат 19:00 ва 22:00да интервьюлар бериб чиқишлар қилинди.

Тармоқ инспекция назоратидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат шароитини яратиш бўйича қуйидаги масалалар кўп йиллардан бери хал қилинмасдан келинмоқда:

Ер ости пўлат газ қувурининг электр кимёвий химоясининг ишга яроқсиз холга келгани оқибатида қувурлар емирилиши;

Аҳоли истеъмолчилари томонидан газ жихозларидан фойдаланиш қоида талабларига риоя этилмаслик;

Қиш мавсумида табиий газ босимининг бир меъёрга бўлмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йилда тармоқ инспекциясига тегишли бўлган 415 та топшириқлар берилган бўлиб, топшириқлар белгиланган муддатларида бажарилган.

Газ хўжалигидан хавфсиз фойдаланишни назорат қилиш тармоқ инспекцияси инспекторларининг 2015 йилда амалга оширган ишлари танқидий таҳлил қилинди.

Газ хўжалигидан хавфсиз фойдаланишни назорат қилиш тармоқ инспекцияси инспекторлари иштирокида 2015 йил 24-25 декабрларда “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясида ўқув семинари ўтказилди.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишларни хавфсиз олиб борилишини таъминлаш масалалари бўйича банд бўлаётган раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа ходимлар билимлари текшириб борилмоқда.

**Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси жараёнига риоя этилишини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси жараёнига риоя этилишини назорат қилиш тармоқ инспекцияси назорати остида 2015 йил давомида инспекция ходимлари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича «FARMAX - FOOD» МЧЖ, «CHIRCHIQ SAVDO BARAKA» МЧЖ, «OQNOR DON SAVDO» МЧЖ, «VOSTOK IDEAL PLYUS» МЧЖ, «PERFECT ART» МЧЖ, «DON MATLUBOT» МЧЖ, «ВИРТЕХ-АГРО» МЧЖ, «ROYAL MEGA MILLS» МЧЖ, «FLOUR PRODUCT SERVIS» МЧЖ, «RISQLI TEGIRMON» МЧЖ, «UZAGRODON» ҚК МЧЖ, «ZIYODA-NON» МЧЖ, вилоятлар бўйича “Учтепа саховати” МСФ, “Халқабод-шоре нан жабыу” ХК, QUQUM. NASLCHI. PARRANDA МЧЖ, “Асакадонмахсулотлари” АЖ, “Анджондонмахсулотлари” АЖ, “QAZANKETKEN SAVDO SERVIS” МЧЖ, “Нур” нон ишлаб чиқариш МЧЖ, “БЕРЕКЕ” МЧЖ, “Қизилтепа ун заводи” АЖ, “Қорақўлдонмахсулотлари” АЖ, “Тимжар” МЧЖ корхоналарида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши режаси асосан текширишлар ўтказилди.

Ўтказилган текширишлар ва назорат-профилактика ишлари натижасида жами 1180 та меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланди. Аниқланган камчиликлар юзасидан барча корхона раҳбарларига далолатномалар ва маълумотномалар берилди.

Камчиликларга йўл қўйган 35 нафар ходимларга нисбатан 5730560 сўм миқдорда жарима қўлланилиб, шундан 32 нафар ходимдан 4558400 сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Тармоқ инспекцияси давлат инспекторлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экишни уюшқоқлик билан ўтказиш, навлар бўйича жойлаштириш ва бошоқли дон харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2241-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони юзасидан, ЎРҚ-57 “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳияти ҳақида “Фарғонадонмаҳсулотлари” АЖ, “Бағдоддонмаҳсулотлари” АЖ, “Кувадонмаҳсулотлари” АЖ “Кўқондонмаҳсулотлари” АЖ, “Охангарон дон” АЖ, “Зарбдор элеватор” АЖ, “Намангандонмаҳсулотлари” АЖ, “Кунград ун заводи” АЖ, “Чимбай дан” МЧЖ, “Тахиатошдонмаҳсулотлари” АЖ, “Сурхондарёдонмаҳсулотлари” АЖ “BAQQOL DON SAVDO” МЧЖ. “DON MKS” МЧЖ, “Бухородонмаҳсулотлари” АЖ, “Қорақўлдонмаҳсулотлари” АЖ, “Жиззахдонмаҳсулотлари” АЖ, “Дунё-М” АЖ, “Ховосдонмаҳсулотлари” АЖ, “Оқолтиндонмаҳсулотлари” АЖ корхоналарида 460 нафар ходимлар иштирокида ўқув семинарлар ўтказилди.

Сурхондарё минтақавий инспекцияси давлат инспектори А.Хўжамуродов томонидан жорий йил 11 майда Шўрчи туманидаги “Жараён” рўзномаси орқали “Унни қаердан, кимдан сотиб олиш керак” сарлавҳаси остидаги мақоласи билан 1 та чиқиш қилинди.

Қорақалпоқ минтақавий инспекцияси давлат инспектори Ш.Кайпов томонидан 2015 йил 15 сентябр куни Нукус шаҳрида “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармони юзасидан ташкиллаштирилган семинарда иштирок этилди ва мазкур семинар Қорақалпоғистон Республикаси телевиденияси орқали намойиш этилди.

Жиззах минтақавий инспекцияси давлат инспектори М.Мирзаев томонидан 2015 йил 19 ноябр куни вилоят телевиденияси орқали “Кун мавзуси” кўрсатувида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида хавфсизлик қоидаларини таъминлашни ташкиллаштириш” мавзусида чиқиш қилинди.

“Контехназоратўқув” ДУК ИТМ нинг хатига асосан “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг 43 нафар бош муҳандислари жорий йил март ойида ва “Тошкент- Нон” ИЧУ таркибига кирувчи нон ишлаб чиқариш корхоналарининг 70 нафар раҳбар ходимлари жорий йил июн ойида саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши бўйича ўқитилди, жами 1585 нафар ишчи ва муҳандис ходимларнинг билимлари синовдан ўтказилди.

Тармоқ инспекцияси бошлиғи муовини А.Мамажонов томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ташкил топган янги хусусий тегирмонларни давлат рўйхатига олиш ишлари олиб борилмоқда. Корхоналар томонидан аниқланган меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилишларини бартараф этиш бўйича режалар тузилган, ушбу режаларга асосан, ишларнинг ўз вақтида бажарилиши назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015 йил кузги бошоқли дон экишни уюшқоқлик билан ўтказиш, навлар бўйича жойлаштириш ва бошоқли донни харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 8 октябрдаги ПҚ-2241-сонли қарорига асосан, “Ўздонмаҳсулот” Акциядорлик Компаниясининг 25.12.2014 йил 60-сонли буйруғига асосан, 2015 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун белгиланган ҳажмдаги бошоқли экинлар дони ва уруғлигини қабул қилиш учун тизим корхоналари, филиаллари ва шахобчаларнинг моддий-техника базасини ҳамда уруғлик дон тайёрлаш цехларини янги мавсумга ўз вақтида сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида, тармоқ инспекциясининг 2015 йил 16 мартдаги 17-01-сонли фармойишига асосан, корхоналар, филиаллар, дон қабул қилиш шахобчалари ва уруғлик дон тайёрлаш цехларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича тайёргарлик ҳолати техник кўриқдан ўтказилмоқда. Дон қабул қилиш масканларининг техник ҳолатини кўриқдан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этилиши юзасидан тизим корхоналари раҳбарларига ўрнатилган тартибда ёзма кўрсатмалар берилмоқда ва белгиланган муддатларда бажарилиши қаттиқ назоратга олинган.

Шу билан бирга, Бухоро вилоятида фаолият олиб бораётган «KRAN SPETS SERVIS» МЧЖ эксперт ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008

йил 10 декабрдаги 271-сон “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Тахياتош дон” АЖ корхонасида саноат хавфсизлиги экспертизаси ўтказилиб, суғурталаш ишлари олиб борилди. “Бухородонмахсулотлари” АЖ, “Навойдонмахсулотлари” АЖ, “Тўрткўл дон” АЖ, “Чимбойдонмахсулотлари” АЖ, “Андижондонмахсулотлари” АЖ, “Асакадонмахсулотлари” АЖ, “Хонқадонмахсулотлари” АЖ, “Оқолтиндонмахсулотлари” АЖ, “Тошкентдонмахсулотлари” АЖ ва “Охангарон дон” АЖ корхоналари идентификация қилинди.

Шунга қарамай 2015 йил тармоқ инспекцияси назорат ости корхоналарида жами 3 та бахтсиз ходисалар содир бўлиб, булардан 3 таси ўлим билан тугаган (“Ўздонмахсулот” АК тизимидаги “Жомбойдонмахсулотлари” АЖ, “Учқўргондонмахсулотлари” АЖ, “Попдонмахсулотлари” АЖларда содир бўлди).

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган “Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидалари”, “Нон пишириш ходимлари учун ишлар хавфсизлиги қоидалари” ва “Хамиртуруш ишлаб чиқариш ходимлари учун ишлар хавфсизлиги қоидалари” Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Бош вазир ўринбосари Г.И.Ибрагимов томонидан 2014 йил 16 январдаги 06/1-717-сон билан тасдиқланган саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш тўғрисидаги жадвалга мувофиқ ишлаб чиқилган “Донни сақлаш ва қайта ишлаш ташкилотларида аварияларни бартараф этиш ва ходимларни химоя қилиш режаларини тузиш бўйича Йўриқнома” ни 23.04.2009 йилдаги ЎРҚ-213-сон “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2010 йилдаги 86-сон “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорига мувофиқ кўриб чиқиш ва ушбу ҳужжатнинг турини белгилаш, яъни техник регламент ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш учун “Саноатгеоконтехназорат” ДИ томонидан 26.11.2015 йилдаги 02/05-4093-сонли хат билан “Ўзстандарт” агентлигига мурожаат қилинди. “Ўзстандарт” агентлигининг 03.10.2015 йилдаги 01-4069-12-сонли хати орқали ушбу ҳужжатни техник регламентлар кўринишида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса олинди. Ҳозирги кунда юқорида келтириб ўтилган ҳужжат қайта кўриб чиқилмоқда. Вазирликлар ва идоралар билан келишиш ишлари 2016 йилнинг 1-ярим йиллигига режалаштирилди.

“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан 2015 йил 23 март куни “Ўздонмахсулот” акциядорлик компаниясига тизим корхоналарининг доимий ҳаракатдаги комиссиялари (ДХК)ни саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини синовдан ўтказишга кўрсатма берилиши юзасидан хат орқали мурожаат қилинган. Лекин Компания томонидан ҳеч қандай натижа бўлмади. Ҳозирги кунда тизим корхоналари раҳбар ходимларининг кўпчилиги ўзгарганлиги ва ДХК охириги марта 2012 йилда ўқитилиб билимлари синовдан ўтказилганлиги сабабли ушбу масала жорий йилда ечимсиз қолмоқда.

2015 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Республикаси кенгаши тармоғига қарашли “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги Тошкентдонмахсулотлари АЖ, Қорақалпоғдонмахсулотлари АЖ, Хонқадонмахсулотлари АЖ, Бухородонмахсулотлари АЖ, Навойдонмахсулотлари АЖ, Жомбойдонмахсулотлари АЖ, Жиззахдонмахсулотлари АЖ, Оқолтиндонмахсулотлари АЖ, Сурхондонмахсулотлари АЖ, Шўрчидонмахсулотлари АЖ, Косондон АЖ, Дунё-М АЖ, Асакадонмахсулотлари АЖ, Қўқондонмахсулотлари АЖ, Учқўргондонмахсулотлари АЖ жами 15 та корхоналар ва уларнинг дон қабул қилиш шахобчаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, содир бўлаётган бахтсиз ходисалар сабабларини жойига чиқиб ўрганиш комиссия иштирокида ўрганиш ишлари олиб борилди.

“Санотгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг 2015 йил 24 июлдаги 11-сонли Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган Ҳайъат кенгашининг 2015 йил II-ярим йиллиги учун иш режасига асосан “Оқолтиндонмахсулотлари” АЖ корхонаси объектларида саноат хавфсизлиги соҳасидаги Қонун ва қонун ости ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан Сирдарё минтақавий инспекцияси давлат инспектори томонидан 2015 йил 10 ноябрдан 13 ноябргача жамиятда ва унинг объектларида ўрганиш ишлари олиб борилди. 2015 йил

10 декабр куни Давлат инспекцияси Ҳайъат мажлисида “Оқолтиндонмаҳсулотлари” АЖ корхонасида ўтказилган ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. “Оқолтиндонмаҳсулотлари” АЖ корхонасидаги ишлаб чиқариш объектлари ва ундаги қурилмаларнинг барқарор ишлаши, саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш юзасидан бажарилган ишлар қониқарсиз деб топилди. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги Қонун ва қонун ости ҳужжатлар, қоидалар, йўриқномалар, лавозим йўриқномалари ва бошқа норматив-техник ҳужжатларининг талабларига риоя этмаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг 22 сентябрь 1994 йил № 2015-ХП Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 260-моддаси, 97-моддасининг 1-қисмига асосан “Оқолтиндонмаҳсулотлари” АЖ бош муҳандиси, бош механиги ва бош энергетикларга нисбатан тармоқ инспекцияси бошлиғи ваколати билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

2015 йил 11 декабр куни “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясида тизим корхоналарида ёнғин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш мавзусида ўтказилган видео селекторда тармоқ инспекцияси бошлиғи ўз маърузаси билан иштирок этди.

Маърузада тизим корхоналарида 2013-2015 йиллар давомида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда уларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш ҳақида гапириб ўтди. Жорий йилда тармоқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган режали текширувлар ва назорат-профилактика ишлари натижасида тизим корхоналарида ёнғин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмаслиги таъкидлаб ўтди. Видео селектор йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Қарорда тизим корхоналаридаги мавжуд муаммолар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб уларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумотларни Давлат инспекциясига тақдим этилишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

#### **Хавфли юкларни ташиш шароитларини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Темир йўл транспортида хавфли юкларни ташиш шароитларини назорат қилиш инспекцияси ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан 2012 йил 10 июндаги Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири, Республика назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаш раиси Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқлаган назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши мажлисининг 1чи сонли баёни 1 иловаси, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги” тўғрисидаги ЎРҚ–57–сонли қонунига Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги” 271-сонли қарори, 2002 йил 21 февралдаги 62-сонли қарорини 05.04.1996 йилдаги баённома билан тасдиқланган “Хавфли юкларни ташиш қондаси”(ХЮТҚ) ва бошқа норматив-ҳуқуқий, норматив-техник ҳужжатларга асосан олиб боради.

Инспекция ходимлари томонидан 2015 йилнинг 12 ой даврида “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси 2015 йил режаси асосида “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли Хавфли юкларни ташиш, учун мўлжалланган шахобчаларни “Хавфли юкларни ташиш қондасига (ХЮТҚ)” мувофиқ, талабларини бажарилиши мақсадли қуриб чиқилди ва Хавфли юкларни ташиш учун вагон таъмирлаш ДЕПОларида ва локоматив ДЕПОларида хавфли юкларни ташиш шароитини (ХЮТҚ) талабларининг бажарилиши мақсадли текширилди булардан; “Қунғрот” регионал темир йўл узелларига қарашли; Қунғрот, Найманкуль, Нукус, Элликала, Шовот, Урганч, Мискин, Ханка станциялари; “Қукон” регионал темир йўл узелларига қарашли; Турақурғон, Киргули, Ропқон, Шахрихан, Савай, Уйчи станциялари; “Бухоро” регионал темир йўл узелларига қарашли; Алат, Якка-тут, Бинокор, Қарши-Термез регионал темир йўл узелларига қарашли; Ғузор, Кенгсай, Жарқурган, Тангимуш, Джам, Жайран ва “Навои регионал темир йўл узелларига қарашли станцияларида тармоқ инспекцияси нозирлари темир йўл тизимида ишларни беҳатар олиб боришида фаол қатнашди. “Ўзкимёсаноат” Давлат акциядорлик компаниясига қарашли “Қишлоқхужаликкимё” корхоналарида назорат-профилактика ишларни олиб борилди.

Инспекция назорати остида 234 та корхоналар бўлиб, бу корхоналарда 2015 йилнинг 12 ой давомида 4 нозир назорат- профилактик текширув ишларни олиб боради. Ўрта ҳисобда 1 та нозир 58 корхоналарни назорат қилади.

Ушбу корхоналарда 96 профилактика текширувлар ўтказилиб, текширув натижасида 435 та камчиликлар аниқланган.

Юқорида кўрсатилган корхоналарда доимий ҳаракат комиссияси, саноат ва техника хавфсизлиги бўлимлари ходимлари ва бош мутахасислари иштирокида билим синовларини ХЮТҚ қондасини ва йуриқномаларни қандай узлаштирилганлигини “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясида ва “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компаниясига қарашли корхоналарда инспекция ходимлари иштирокида утказилди. Текширишлар давомида ХЮТҚ қондалари бўйича билимлари талаб даражасида бўлмаган корхона ва станцияларида ишчилар билим синовлари белгиланиб 314 нафар мухандис техник ходимлар, ишчиларни билимлари синовдан ўтказилди ва 16 таси синовлардан утмагани учун қайта топширишга чора-тадбирлар тузилиб муддат берилди.

28 апрель- умумжаҳон меҳнат муҳофазаси куни” га бағишланиб “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ да 7 май, “Ўзнефтахсулот” АЖ да ва Фарғона вилоятида 2015 йилда семинар-кенгашлари утказилди, семинарларда темир йўл транспортида хавфли юкларни ташиш шароитларини назорат қилиш тармоқ инспекцияси ходимлари қатнашдилар.

Семинар дастурида, 1.“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК корхонасида, ташкилот ва муассасаларида меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги ҳолати ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ булган жароҳатланишлар бўйича олиб борилган ишлар таҳлили; 2.Меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга қаратилган илғор тажрибаларни ўрганиш; 3.Ўзбекистон Республикаси “Саноат хавфсизлиги ҳақида” Қонуни талабларини бажарилиши юзасидан муҳокама; 4. Хавфли юкларни темир йўлда ташиш, сақлаш, юклаш ва туширишнинг асосий йўналишлари; 5. “Иш берувчининг фуқоралик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажарилиши; 6.Компания корхоналарида санитар-гигиеник меъёрларига риоя қилиш таҳлили; муҳокама олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 февралдаги 62 - сон қарорига 3-ИЛОВА ижросини таъминлаш мақсадида, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг тармоқ инспекцияси ходимлари Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда хавфли юкларнинг транзитига хулосалар бериш ва назоратни амалга ошириб келияпти.

Шулардан: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигини 16.02.2015 йилда 24/316 сонли мурожат хати билан ва “ПРОМПЕРФОРАТОР” МЧЖнинг юборилган ҳужжатларига асосан хавфли юкни –шашка “ТП-400” Ўзбекистон ҳудудидан темир йўл транзити билан утишга рухсат берилишлигини мурожат қилинган; “Саноатгеоконтехназорат” ДИ томонидан урганиб чиқилиб 24.02.2015й 01/19-776 сонли хати билан ижобий хулоса берилди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 12 март 2015 йилдаги топшириғига ва ТОО “Торговый дом Даркан дала”(Қозоқистон Республика) юборилган ҳужжатларга асосан хавфли юкни –амияк селитрасини Ўзбекистон ҳудудидан темир йўл транзити билан утишга мурожат қилинган; “Саноатгеоконтехназорат” ДИ томонидан 17.03.2015й 01/19-1052 сонли хати билан ижобий хулоса берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 30 апрель 2015 йилдаги топшириғига ва ТОО “Аллат-Рахимжон”(Қозоқистон Республика) юборилган ҳужжатларга асосан хавфли юкни –амияк селитрасини Ўзбекистон ҳудудидан темир йўл транзити билан утишга мурожат қилинган; “Саноатгеоконтехназорат” ДИ томонидан 05.05.2015й 01/19-1658 сонли хати билан ижобий хулоса берилди.

Шу билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги №271-сонли қарорини таъминлаш мақсадида "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган қонуниятлар ва омилларни тадқиқ этиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг суғурта қилиш бўйича тушунтиришлар олиб бориляпти.

Инспекциянинг асосий мақсади, назорат остидаги корхоналарда хавфли юкларни ташиш шароитларини узликсиз назорат -профилактика ишларини олиб бориш, корхоналарда ва объектларда авария ҳолатлари ва жароҳатланишларни олдини олиш. Тузилган чора-тадбирларига эътиборни

кучайтиришга қаратилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Фавкулотдавазиятлари бошқармаси ва "Саноатгеоконтехназорат" Д.И. Фарғона МИ.нинг нозирлари билан биргаликда ФВБ 2015 й 25 Февраль ойда чиқарилган ФВБ режа-жадвалига мувофиқ "Қуқон" станциясида фавкулотда вазиятларига тайёргарликнинг қай даражада олиб борилиётганлиги ҳақида мақсадли текширишда қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 07-07/1-607- сонли 25-баёни ижроси юзасидан ва "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекциясининг 2015 йил 16 сентябрдаги 03/02-40-ф сонли фармойиши асосида Фарғона вилояти, Бўстонлиқ туманида жоъме масжидларида ўрганишларлар утказилди.

Текширишларда "ЎЮТҚ қондаси" ва инструкциялар талабларини бажаришда камчиликларга йўл қўйилган 5 нафар шахсга 615680 сўм миқдорида жаримага торти.

Инспекция инспекторлари авария ва бахтсиз ходисаларни олдини олиш бўйича мунтазам равишда корхона ва ташкилотларда йил бошида тасдиқланган ўз иш режаларига асосан назорат-профилактика ишлари узлуксиз олиб бормоқдалар.

Тармоқ инспекцияси томонидан темир йўл транспортда хавфли юкларни бехатар ташиш бўйича Фарғона вилояти 2015й 17 сентябрда 18 сонли "Давр минбари" ва 2015й 24 декабрда 24 сонли "Риштон ҳақиқати" газеталарда чоп этилди. Келгусида хавли ишлаб чиқариш объектларда, темир йўл транспортида хавфли йўкларни ташиш ишларини бехатар олиб боришлиги мақолаларни газеталарда қупайтиришга тармоқ инспекция ходимлари томонидан мақсад қуйилган.

Минтақавий нозирларнинг ҳисоботлари шуни кўрсатмоқдаки, юк жунатувчи ташкилотлар томонидан хавфли юкли вагонларда қоида бузарликлар аниқланди. Айрим вагонлар хавфлилик бўйича ностандарт белгилар билан қабул қилинмоқда. Станция раҳбарлари томонидан ишга янги олинган ишчиларни техник уқитишлар етарли савияда утказилмайди. Барча станция раҳбарлари хавли юкларни ташиш қоидалари бўйича сифатли уқитиш кераклиги уқтириб утилди. Темир йўл станцияларда чириган ёғоч шпалларни алмаштириши долзарб мавзулар жумласидандир.

Назоратчилар томонидан берилган ёзма буйруқлар корхона раҳбарлар ва муҳандис техник ходимлар томонидан ўз вақтида бажарилмоқда, лекин узоқ вақтдан бери бажарилмаётган камчиликлар мавжуд, булар:

Асосий муаммолардан бири станцияларда темир йўл мажмуасида ишлаб келаётган ишчиларнинг "Хавфли Юкларни Ташиш қоидаси" ва йуриқномаларини ўзлаштирилишини жавоб бермаслиги қуришиб келмоқда.

Ҳал қилиниши қийин булаётган асосий муаммолардан бири барча назорат остидаги корхоналардаги темир йўл ости шпаллари билан таъминланиши бўлиб келмоқда.

Инспекция ходими М.Жумаев чорак ҳисоботлари сифатсиз топширди, қолган инспекция ходимлари меҳнат интизомини бузмасдан ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу билан бир қаторда "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси бошлиғи Б. В. Гулямов 28.11.12йилдаги 227 сонли бўриғи ижроси тамишлаш мақсадида ва Республика кенгашининг 2012 йил 15 ноябрдаги 15 ноябрдаги 2-сонли мажлис баёнига(11-банд) асосан назорат органлари томонидан Адлия вазирлигида 2006 йил 6 майда 1573-сон билан руйхатга олинган Низомнинг 4-иловасига мувофиқ Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функцияларининг амалга ошириш юқорида этилган дастурлари маъқулланган ва дастурга асосан тармоқ инспекцияси ишни олиб бориляпти.

#### **Атомни назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 мартдаги 111-сонли қарори билан тасдиқланган «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш» тўғрисидаги Низоми асосида корхоналарни лицензиялаш ишлари олиб борилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш Комиссияси аъзолари томонидан Комиссия йиғилишининг баённомалари кўриб чиқилмоқда. Лицензия талабгорларининг ҳужжатларига асосан, яъни Neftgazkipavtomatika, Гематология ва қон қуйиш ИТИ, «Oil technical service of XDEC» Маҳсус муассасаси, Ургенчтрансгаз ДП, «Ургенчгазмаш» МЧЖ, А.Навои номидаги СамДУ, «Тошкент халқаро аэропорти» ДУК, «ТНГ-Групп» МЧЖ, Фавкулотда вазиятлар вазирлигига ва бошқа корхоналарга эксперт ҳулосалари тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамаси лицензияси расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрель 98-сонли қарори билан тасдиқланган «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш Қоидалари»га асосан республика

худудидаги радиоактив материаллар инвентаризацияси ҳар йили 1 февралгача мунтазам равишда янгиланади.

Радиоактив материалларни айланишини назорат қилиш мақсадида ва радиоактив чиқиндиларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, корхоналардан тушган аризалар асосида 110 кг радиоактив ифлосланган тупрок, 6004 та ишлатилмаётган радиоактив ифлосланган элементлар «Республика радиоактив чиқиндиларни кўмиш корхонаси» давлат корхонаси («РРЧКК» ДК) томонидан кўмиш учун олиб кетилди. Шунингдек, республика худудидан 34 дона нурлантирилган намуналар олиб чиқиб кетилди, 25 дона радиоактив материал четдан олиб кирилди (Мухамедов).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сонли қарорига асосан «Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекциясининг 2009 йил 2 ноябрдаги № 220а сонли буйруғи билан атом назорати тармоқ инспекцияси қошида ташкил қилинган радиоактив моддалар, радиоактив чиқиндилар ва ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини юритиш, ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ушбу қарорга мос қелишини таъминлаш масалалари бўйича доимий амал қилувчи консултация пункти фаолият кўрсатмоқда.

Февраль ойида «Саноатгеоконттехназорат» ДИ нинг 2015 йил 10 февралдаги 10-сон буйруғига асосан Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича аттестация ўтказилди. Тармоқ инспекцияси ходимлари муваффақиятли ўтдилар.

10 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишга бағишланган ишчи гуруҳи йиғилишида тармоқ инспекцияси бошлиғи Х.Халилов қатнашди.

7 сентябрь (8 нафар) ва 16 декабрь (7 нафар) кунлари «Фотон» АЖ ходимларини ядровий ва радиациявий хавфсизлик талаблари бўйича билимларини ошириш мақсадида навбатдаги имтиҳон ўтказилди.

23-24 сентябрь кунлари «Узэлтехсаноат» Ассоциацияси «Фотон» АЖ да ишлатиб бўлинган суяқ ядровий ёқилғиси Россия Федерациясига жўнатиш ишлари амалга оширилди.

«РРЧКК» ДК худудида ўрта активликдаги радиоактив чиқиндиларни кўмиш учун қўшимча омборхона қурилиши масаласи ҳал қилиниши керак. Корхоналарда дозиметрик ўлчов асбоблари, химоя кийимлари, замонавий махсус контейнерлар етишмайди, медицинада касалларни даволаш ва диагностика учун хизмат муддатлари ўтган ионланувчи нурланиш манбаларидан фойдаланилмоқда. Назорат органлари техник жиҳатдан (дозиметрик ўлчаш асбоблари, манипуляторлар, автомобилга жойлаштирилган силжитма лабораториялар) таъминланиши керак. Республика вазирлик, ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг радиациявий хавфсизлик соҳасидаги мутахассислар малакасини доимий ошириш керак.

Мехнат муҳофазаси, радиация хавфсизлигини таъминлаш, назорат остидаги корхона ва ташкилотларда мехнат шароитини яратиш бўйича бартараф этилиши керак бўлган муаммолар ионлаштирувчи нурланиш манбалари, ҳамда дозиметрик асбоблар республикада ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли ҳозирда ҳал қилинмаган.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча топшириқлари бажарилди. Жумладан, 06-06/53-10, 02/15-6159, 06/1-2833, 06/53-1, 06/53-3, 06/53-5, 06/59-7, 12-1534, 06/1-312, 06/1-136 ва бошқалар.

25-27 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан «Ядровий ва радиоактив материалларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Америка қўшма штатлари ўртасидаги биргаликдаги ҳаракатлар режаси» доирасида ўзбекистонга Америка энергетика вазирлигининг ядровий хавфсизлик бўйича миллий маъмурияти вакиллари ташрифи бўлиб ўтди (5 киши). Ташриф давомида вакиллар Давлат инспекцияси, Ядровий физика институти ВВР-СМ ядро реакторига бордилар. (Халилов, Мухамеджанов). Ҳар чорқда Ўзбекистон Республикаси ва ХАЭА ўртасидаги қўл қўйилган (01.12.1998 йилдан № 507 сонли ЎР ВМК) Қўшимча протоколнинг бажарилиши юзасидан ХАЭА га ҳисобот бериб борилмоқда.

25-26 февраль кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.01.2015 й. даги № 03/21-5915-сонли топшириғига асосан «Марказий Осиёда собиқ уран конлари қолдиқларини рекультивация қилиш бўйича қонунчилик ва бошқарув ҳужжатларини ривожлантириш» лойиҳасининг биринчи ишчи мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда тармоқ инспекцияси бошлиғи ва бошлиқ муовини қатнашдилар.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги радиациявий ва ядровий хавфсизлик Комиссияси 2015 йил иш режаси вазирликлар билан бирга ишлаб чиқилиб, ушбу Комиссия раиси томонидан 2014 йил якунига бағишланган мажлисда кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Комиссиянинг 2015 йил иш режасига асосан йил давомида радиациявий хавфсизлик соҳасида обиб бориладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб Комиссия раиси томонидан тасдиқланди. Радиациявий ҳолат, радиациявий хавфсизлик соҳасида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги мўлжалланган режалар бўйича тегишли вазирликлардан маълумотлар йиғилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумот юборилди. 2016 йилга мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилиб, вазирликлар билан келишилди ва Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилди (Халилов, Алимова).

Тармоқ инспекцияси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидаги норматив техник ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

«ИНМ лар билан муомалада, ишлатишда ва ишлаб чиқаришда радиациявий хавфсизлик талабларини бажарилишини назорат қилиш тўғрисидаги йўриқнома» лойиҳаси;

«Ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг йўқолишини техник жихатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» тўғрисидаги идоралараро қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда МХХ га келишиш учун юборилди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 декабрдаги 358-сонли «Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

«Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенция» тўғрисидаги Қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

2-6 март кунлари ХАЭА эксперти Е.Палади иштирокида радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ваколатли вазирликлар мутахассислари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.2012 й. даги 358-сонли «Радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори талаблари ижроси юзасидан ҳамда «Ядровий материаллар, радиоактив моддаларнинг божхона чегараларидан ноқонуний олиб ўтилишига тезкор таъсир (реакция) қилиш бўйича» ўқув машқлари ўтказилди. Машқларда Давлат божхона кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Атомни назорат қилиш тармоқ инспекциясидан вакиллар қатнашдилар (Халилов, Орифжонова, Мухамедов). Машқлар Назарбек, Навоий божхона постлари ва Тошкент халқаро аэропортида реал ҳолатларда бўлиб ўтди. Машқлардан кейинги умумий муҳокамада ҳар бир вазирликлар Ўзбекистон Республикаси божхона чегара постларида радиациявий хавфсизликни таъминлашни янада мукамаллаштириш ҳақидаги ўз таклифларини айтиб ўтдилар.

2013 йилда бошланган «Чоркесар ва Янгиобод шаҳарчасидаги собиқ уран конларининг атроф муҳитга таъсирини комплекс баҳолаш» миллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича тадбирлар давом этмоқда. Ўзбекистон томонидан лойиҳанинг бажарувчи масъули этиб «WISUTEC» Косорциуми белгиланган. Ҳозирга келиб лойиҳанинг 4 ва 5 и топшириқлари бўйича ҳисоботлар лойиҳалари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан кўриб чиқилмоқда. 11-13 март кунлари лойиҳа доирасида жойларда ўлчов ишлари олиб бориш учун Консорциум мутахассиси ташрифи ташкил этилди. 13 март куни тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда «WISUTEC» Косорциумининг 4-5-сонли ҳисоботлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича муҳокама бўлиб ўтди.

Жорий йил 27 октябрь куни Давлат инспекциясида Европа Комиссияси мутахассиси М.Андерсен ва Р.Силверлл билан учрашув бўлиб ўтди. Шу куни тегишли вазирликлар («Санаятгеоконттехназорат» Давлат инспекцияси, ФВВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Ўзгидромет, Ўзгеоеркадастр ва Наманган ва Тошкент вилоятлари хокимияти) ҳамда Wisutec консорциуми мутахассислари билан якуний учрашув ўтказилди. Учрашув давомида лойиҳа натижалари ва охириги хулосаси муҳокама қилинди.

4-5 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 02.03.2015й. №06/59-7-сонли топшириғига биноан, Давлат инспекцияси бошлиғи Б.В.Гулямов томонидан тасдиқланган дастурга асосан ХАЭА инспекторларининг ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф давомида вакиллар

давлат инспектори (Мухамеджанов) бошчилигида «Максам-Чирчик» АЖ ва Ядровий физика институти ВВР-СМ ядро реакторига бордилар.

13 март куни тармоқ инспекцияси ходимлари билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча вилоятлар ДСЭН марказлари радиолог врачлари билан ўқув ўтказилди. Кун давомида республикада радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонун, қонуности ҳужжатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида, ИНМ лар айланишини назорат қилиш, лицензиялаш, ХАЭА га ядровий материаллар ҳисобини юбориш ва бошқа мавзуларда суҳбат олиб борилди.

14-20 март кунлари АҚШ нинг энергетика вазирлигининг миллий лабораторияси вакили М.Стросински ва Ядро физикаси институти, фанлар Академияси, «Фотон» АЖ мутахассислари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда тармоқ инспекциясидан мутахассислар қатнашдилар.

15-17 март кунлари Ўзбекистонга Америка энергетика вазирлигининг вакиллари И.Большинский, М.Таяка ва Ф.Свитақлар «Ўзэлтехсаноат» АК «Фотон» ОАЖ реактори майдонини радиоактив ифлосланишдан тозалаш билан биргаликда «Фотон» ОАЖ реакторини ва гамма-қурилмаларни демонтаж қилиш» лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишларни муҳокама қилиш мақсадида ташриф буюрдилар (Халилов, Якубеков).

16-19 март кунлари ХАЭА менежери А.Чупов ташриф буюрди. Ташриф давомида ХАЭА ва Ўзбекистон ўртасидаги Техник ҳамкорлик доирасидаги миллий лойиҳаларни вазирлик ва идоралар билан биргаликда муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.02.2015й. №06/53-3-сонли топшириғига кўра Мухамеджанов 16-20 март кунлари Болгариянинг София шаҳрида ХАЭА томонидан ўтказилган «Тадқиқот реакторларида можаролар ахборот тизими» мавзусида ўтказилган техник семинарда қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг радиацион ва ядровий нурланишни олдини олиш бўйича 2015 йил иш режаси асосида Вазирлар Маҳкамаси ишчи гуруҳи таркиби ва Фарғона вилоятидан жалб этилган мутахассислар томонидан 2015 йил 12 май куни «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи», «Кўкон суперфосфат заводи» ОАЖ, «Фарғона геофизика экспедицияси» ОАЖ корхоналарида тегишли вазирликлар мутахассислари билан биргаликда радиациявий хавфсизлик ҳолатлари ўрганиб чиқилди. Текширувда тармоқ инспекцияси бошлиғи муовини Якубеков қатнашди.

17 апрель куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган йиғилишда тармоқ инспекцияси бош мутахассиси Орифжонова қатнашди.

2 июнь куни навбатдаги Бутунжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган «Экология ҳафталиги» ўтказилди. Ушбу анжуманда тармоқ инспекцияси бошлиғи муовини Якубеков қатнашди.

2 июнь куни «Фотон» АЖ да «Фотон» ОАЖ реакторини ва гамма-қурилмаларни демонтаж қилиш» лойиҳаси бўйича ўтказилган йиғилишда тармоқ инспекцияси бошлиғи Халилов ва бош мутахассис Мухамеджанов қатнашдилар.

3-5 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида «Фотон» ОАЖ реакторини ва гамма-қурилмаларни демонтаж қилиш» бўйича ХАЭА нинг семинари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш киритиш бўйича ўтказилаётган бир қатор мажлисларда тармоқ инспекцияси бошлиғи Халилов қатнашмоқда. Ушбу Қонунга ўзгартириш киритиш учун бир нечта таклифлар берилди.

7-18 сентябрь кунлари ЎР ва ХАЭА ўртасида гарантиялар ҳақидаги имзоланган келишувга асосан ядровий материаллар верификацияси бўйича «Фотон» АЖ ва ЯФИ да навбатдаги инспекция ўтказдилар.

4-18 сентябрь кунлари ЯФИ да ВВР-СМ тадқиқот реактори ходимлари учун плутоний ҳисоби бўйича дастур таъминотини ўзлаштириш бўйича ўқув курси ўтказилди. Ўқув курсида АҚШ энергетика департаменти маърузачилари иштирок этдилар. Курс якунида ВВР-СМ реактори мутахассислари ушбу дастурни ишлатиш учун лицензия олдилар.

Халқаро атом энергияси агентлигининг 14-18 сентябрь кунлари ўтказилган 59 Бош конференциясида Ўзбекистон Республикаси Президент Аппаратининг топшириғи билан Ўзбекистон Республикаси вакиллари сифатида Б. Гулямов ва Х.Халилов қатнашдилар.

21-25 сентябрь кунлари ЯФИ да ВВР-СМ тадқиқот реактори ходимлари учун ЎР ва ХАЭА ўртасида гарантиялар ҳақидаги имзоланган келишувга асосан ядровий материаллар ҳисоб китоби бўйича ўқув курси ўтказилди. Ўзбекистон тарафидан ВВР-СМ, марказий радиоизотоп лаборатория ва «РРЧКК» ДК мутахассислари қатнашдилар. Курс якуни бўйича мутахассисларга сертификат берилди.

28-30 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикасига ХАЭА ядровий хавфсизлик бўлими директори Х.Мрабит ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф давомида Ўзбекистонга ёрдам сифатида берилган радиацияни аниқлаш асбобини расмий топшириш, ҳамда физикавий ва ядровий таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президент Девонининг 23.10.2015 г. № 12-2031 сонли, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазир ўринбосарининг 26.10.2015 йил № 06/1-714 сонли топшириқларига биноан 25-27 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ядро физикаси институти, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари билан ташкил топган делегация ХАЭА штаб квартирасига ташрифи амалга оширилди. Ушбу ташриф Ўзбекистон Республикаси Президент Девони билан келишилган ҳолда ўтказилди. Ташрифнинг мақсади ХАЭА мутахассислари билан биргаликда Ядро физикаси институтининг тадқиқот реакторини эксплуатациядан чиқариш ҳақида, ҳамда тадқиқот реакторини эксплуатациядан чиқариш бўйича қоида ва режалар ишлаб чиқишга бағишланган ўтказиладиган мажлисда қатнашиш.

Ўзбекистон Республикаси Президент Девонининг 17.08.2015 йил №12-1594 сонли, ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазир ўринбосарининг 21.08.2015 йил №06/1-312 сонли топшириқларига мувофиқ 10 декабрь куни «Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи зона барпо этиш» яқунларига бағишланган идоралараро конференция ўтказилди. Ушбу Конференцияда тегишли вазирлик ва идоралар, республиканинг етакчи илмий маориф муассасалари, БМТ вакиллари, ОБСЕ бошқарувчилари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялардан 100 га яқин вакиллари ҳамда тармоқ инспекциянинг барча ходимлари қатнашдилар. Конференция ташкилий ишлари билан Давлат инспекцияси шуғулланди, конференцияни Давлат инспекцияси бошлиғи Б.В.Гулямов қириш сўзи билан очиб берди. Конференция давомида вазирлик ва идоралар вакиллари маъруза қилдилар.

Ўтган ҳисобот даврида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланган режалар бўйича ва режадан ташқари ноқонуний текширувлар ўтказилмади. Ижро интизомини самарали ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида тармоқ инспекцияси бошлиғи томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган топшириқни ходимларга ўз вақтида етказилиши, бажарувчи масъул ижрочиларни ва бажариш муддатини қатъий назорати мунтазам равишда инспекция кенгашида кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 мартдаги 73-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида тармоқ инспекцияси ходимлари (4 та инспектор) Тошкент ахборот технологиялари университети тизимидаги “Электрон ҳукумат” ўқув маркази бўлимида “Электрон ҳукумат” ва “Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш” ўқув курсларида малакасини оширдилар.

Ҳисобот даврида назорат остидаги корхоналарда жиддий қонун ва қоидаларнинг бузилиши бўлмаганлиги сабабли назорат остидаги корхоналарда авария ҳолатлари ҳам, бахтсиз ҳодиса ҳам бўлмади. Назорат остидаги лицензия олувчи корхоналарнинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, эксперт хулосалари тузилди. Ҳисобот даврида лицензия олувчиларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилгани учун «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси ҳисобига лицензия талабгорлари томонидан 6 млн. сўмга яқин миқдорда пул ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сонли ижро интизомини мустақамлаш тўғрисидаги топшириғига асосан инспекторлар ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасининг топшириқ ва фармойишлари, давлат инспекциясининг буйруқлари билан танишмоқдалар, тармоқ инспекциясига дахлдор бўлганларига фармойишлар чиқарилиб, уларнинг бажарилиши тармоқ инспекцияси бошлиғи томонидан доимий назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2009 й.даги 231-сонли қарорига асосан Республика бўйича радиоактив материаллар ва радиоактив чиқиндиларни айланиши субъектлари томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисида ахборотлар мунтазам янгиланмоқда.

**Кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни таъқиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш инспекцияси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни таъқиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг Иш режасига мувофиқ 2015 йилда қуйидаги тадбирлар амалга оширилди.

“Ўзкимёсаноат” АЖда хавфли химикатлар ҳақидаги олинган маълумотлар текширилди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Божхона Қўмитасидан хавфли химикатлар экспорт-импорти ҳақидаги маълумотлар ҳам текширувдан ўтказилди, ҳамда Халқаро Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Ташкилоти Техник Котибиятига йиллик маълумот бериш учун тайёрланди. “Ўзкимёсаноат” АЖдан олинган маълумот, шунини кўрсатдики “Навоиазот” АЖда декларация қилиниши шарт бўлган 3-рўйхатдаги хавфли химикат синил кислотаси ишлаб чиқарилди.

Ўтган 2014 йилда “Навоиазот” АЖда 16516 тонна синил кислота ички эҳтиёжлар учун ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси Божхона Қўмитаси 2014 йилдаги маълумотида кўра декларация қилиниши шарт бўлган 3- рўйхатдаги химикатлардан Ўзбекистонга 1834,61 тонна метилдиэтанолламин ва 70615 кг. триэтанолламин, ҳамда 2015 йилида 3246,17 тонна метилдиэтанолламин ва 11466 кг триэтанолламин импорт қилинган.

Шунингдек “Навоиазот” АЖ, “Фарғона фуран бирикмалари кимё” заводи, “Электрокимёсаноат” АЖ ва Фарғона “Азот” ИЧБдан декларация қилиниши шарт бўлган 4-рўйхатга кирувчи кимёвий бирикмалар ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилдаги фаолияти ҳақида йиллик эълон Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Конвенциясини Текшириш иловасининг 4(С) банди VIII қисмига мувофиқ хужжатлаштирилди ва Халқаро Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Ташкилотининг Техник Котибиятига юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга режалаштирилган фаолияти ҳақида йиллик эълон Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Конвенциясини Текшириш иловасининг 4(С) банди VIII қисмига мувофиқ хужжатлаштирилди ва Халқаро Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Ташкилотининг Техник Котибиятига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси бактериологик (биологик) ва токсин қуролларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва захираларини тўплашни маън этиш ва уларни йўқ қилиш ҳақидаги III Конференцияси қатнашувчи давлатлар қабул қилган андозасига кўра тайёрланди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қуролсизланиш Масалалари Департаментига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни таъқиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг **8-бандига** асосан жорий йилнинг 28-29 январь кунлари Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Сырдарё вилояти худудида жойлашган кимёвий хавфли объектларнинг фавқулдда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни таъқиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг **9-бандига** асосан жорий йилнинг 26 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сырдарё вилояти Хаваст туманида жойлашган ўсимликларни химоя қилиш Республика базасининг, фавқулдда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни таъқиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг **10-бандига** асосан жорий йилнинг 22 апрель куни “Навоиазот” АЖ да Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ва “Ўзкимёсаноат” АЖ ҳамкорликда “Фуқаро муҳофазаси тузилмалари раҳбарлар таркиби ҳамда куч-воситаларининг фуқаро муҳофазаси хизматлари фавқулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида кўргазмалари махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

1-босқич – кучли таъсир этувчи захарловчи моддани тарқалиши оқибатларини бартараф этиш бўйича объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг доимий тайёргарликдаги вилоят (шаҳар) ФВДҚТ хизматларини хабардор этиш бўйича объект бош диспетчерининг ҳаракатлари;

2-босқич - кучли таъсир этувчи захарловчи моддани тарқалиши оқибатларини бартараф этиш бўйича объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг доимий тайёргарликдаги вилоят Фавқулдда Вазиятлар Давлат қуёи Тизими (ФВДҚТ) хизматлари куч ва воситалари билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари;

3-босқич – ўтказилган кўргазмалари махсус-тактик ўқув машқининг якуний муҳокамаси.

Ўқув машқига “Ўзкимёсаноат” АЖ масъул ходими ва унга қарашли кимёвий хавфли объектларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассислари, навоий вилояти худудидаги тоифаланган ишлаб чиқариш объектларининг фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассислари иштирок этишди. Ўқув машқига жами 220 нафар ходим ва 20 та муҳандислик ва махсус техникалар жалб этилди.

Шу билан бирга, “Навоиазот” АЖ яқинида жойлашган 15-сонли умумтаълим мактабида кучли таъсир этувчи зағарли моддалар тарқалиши билан боғлиқ авариялар шароитида мактаб раҳбарияти ва ўқувчиларининг ҳаракати мавзусида Фуқаро муҳофазаси куни тадбири

ўтказилди. Ҳатта қилинган тадбирда мактабнинг 150 нафар ўқувчи ва 15 нафар ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қурулларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг **11-бандига** асосан жорий йилнинг 24-27 март кунлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилоятида жойлашган кимёвий хавфли объектларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди. “Навоийазот” АЖ бўйича, объект миқёсида яқин атрофда жойлашган йирик ишлаб чиқариш объектлари билан ҳамкорликда ўзаро ҳаракатларни мувофиқлаштириб бориш мавзуларида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказиш ва объектдаги локал хабар бериш тизими қурилиши яқунлангандан кейин вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда яқин атрофда жойлашган аҳоли яшовчи масканларида аҳолини сигнал бўйича ҳаракат қилишга тайёрлашни ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. “Навоийазот” АЖ раҳбарияти ва ишчи-хизматчилари фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳаракатланишга “Тайёр” деб баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қурулларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг **12-бандига** асосан жорий йилнинг 23-25 июн кунлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилоятида жойлашган кимёвий хавфли объектларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида “Олмалик” КМК АЖга қарашли “Чодак” қони бошқармаси, “Замин агро савдо инвест” МЖ, “Наманган озиқ-овқат агроэкспорт” МЧЖ, “Ровустон қурилиш сервис” МЧЖ, “Нестле-Ўзбекистон” МЧЖ, “Қизил-ровот” сув тозалаш ва узатиш иншооти қорхоналарига тегишли тавсиялар берилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилоятида жойлашган кимёвий хавфли объектларнинг фавқулодда вазиятларга тайёрлашни ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қурулларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг **13-бандига** асосан жорий йилнинг 29 апрел куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва “Узкимёсаноат” АЖ ҳамкорликда “Максам-Чирчик” АЖ да “Суюқ аммиак базасининг “Аммиак -1” цехида Фуқаро муҳофазаси тузилмалари раҳбарлар таркиби ҳамда куч-воситаларининг Чирчиқ шаҳар фуқаро муҳофазаси хизматлари билан ҳамкорликда техноген тусдаги, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус тактик ўқув машғулотини ўтказилди.

Ўқув машқининг асосий мақсади – кучли таъсир этувчи захарли моддалар билан боғлиқ аварияларда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибининг тегишли хизматлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлди. Ўқув машқида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармалари Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза бўлими бошлиқлари қузатувчи сифатида иштирок этишди. Ўқув машқ давомида жами 438 нафар ходим ва 38 нафар қузатувчи, 34 та махсус техника жалб қилинди.

Объектда кучли таъсир этувчи захарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, уларнинг оқибатларини бартараф этиш тадбирларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича бошқарув органлари ва тегишли хизматлар куч-воситаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари такомиллаштирилди.

Кўргазмаларни махсус-тактик ўқув машқини олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришилди, режалаштирилган тадбирлар бажарилди, ўрганувчилар ўзларининг назарий билимларини ва амалий кўникмаларини оширдилар.

“Максам-Чирчик” АЖ фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва куч воситаларининг фавқулодда вазиятларда ва уларнинг олдини олишда ҳаракатланишга тайёргарлик ҳолати “Тайёр” деб баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қурулларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг **14-бандига** асосан жорий йилнинг 9 апрел куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги “Навоий тоғкон-металлургия комбинати” да “Объект худудида содир бўлган авария натижасида кучли таъсир этувчи захарли моддалар (аммиакни) ташқи муҳитга тарқалиши билан боғлиқ фавқулодда вазият содир бўлганда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари” мавзусида махсус тактик ўқув машғулотини ўтказилди. Кўргазмаларни махсус-тактик ўқув машқида республика худудидаги кимёвий хавфли объектлар мутахассислари,

вилоятлар ҳокимликлари масъул ходимлари кузатувчи сифатида иштирок этишди. Машқда жами 737 нафар ходим ва 39 та муҳандислик ва махсус техникалар жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қурулларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 2-ярим йиллик Иш режасининг **7-бандига** асосан жорий йилнинг 8-10 сентябр кунлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Самарқанд вилоятида жойлашган кимёвий хавфли объектларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қурулларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 2-ярим йиллик Иш режасининг **8-бандига** асосан жорий йилнинг 20 ноябр куни “Фарғонаазот” АЖ да Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва “Узкимёсаноат” АЖ ҳамкорликда “Технологик тармоқда содир бўлган авария натижасида аммиакни ташқи муҳитга тарқалиши билан боғлиқ фавқулодда вазият содир бўлганда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари” мавзусида махсус тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

Кўргазмали махсус-тактик ўқув машқида объект раҳбариятидан 25 нафар, эвакуация комиссиясидан 10 нафар, объект Фуқаро муҳофазаси тузилмаларидан 179 нафар шахсий таркиб ва 19 та техника, вилоят ФВБ дан 18 нафар қутқарувчи ва 2 та техника, ИИБ дан 20 нафар шахсий таркиб 1 та техника жалб этилди. Ўқув машқида вилоят ФВБ, ИИБ ва ССБ дан 10 нафар ходимлар кузатувчи сифатида иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қурулларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2015 йил 2-ярим йиллик Иш режасининг **9-бандига** асосан жорий йилнинг 6-7 ноябр кунлари Жиззах вилояти Фориш туманида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Узкимёсаноат” АЖ ҳамкорликда махсус полигонни реконструкциялаш масаласи ўрганиб чиқилди, ушбу объектда хозирча мавжуд бўлган объектив ва субъектив сабабларга кўра кўзланган реконструкция ишлари юзасидан қурилиш ишлари бошланмаганлиги аниқланди.

#### **“Ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисм”**

Ҳисобот даврида Ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисм (ҲҚҚҚ) бўлинмалари содир бўлган аварияларни бартараф қилиш ишларига 11 маротаба жалб қилинган: 3 маротаба содир бўлган йўл ҳаракат ҳодисасига жалб қилинган: шундан 2 маротаба А-379 Навои - Зарафшон автомобил қатнов йўлида энгил автомашиналар тўқнашиб кетиши ва “Дехқанонобод калилий ўғитлар заводи” унитар корхонасида МАН русумли автомобил ағдарилиб кетиши, 10 киши жароҳатланган, 5 киши оламдан ўтган; “Дехқанонобод калилий ўғитлар” унитар корхонаси тоғ-кон комплексида электр энегияси таъминотининг узулиши. 26 киши шахтадан олиб чиқилган; “НТМК” ДК Марказий кон бошқармаси “М” шахтасига “Мурунтау” конидан сув босиши; “НТМК” ДК ГМЗ-1 кон бошқармасининг «Қора-қўтон» конида 32-33 блокида “Газланиш” оқибатида 3 киши энгил ва ўрта даражада жароҳатланган; “НТМК” ДК Жанубий кон бошқармасининг “З” конидаги “Бош шахта” стволи 660м горизонтида кабел ёниши оқибатида ёнғин келиб чиқган; “ОТМК” Ангрэн кон бошқармасининг “Қизиолма” ва “Разведочная” конларда электр энегияси таъминотининг узулиши; “Тошкент-Поп электрлаштирилган темир йўл тоннели қурилиши” 3 портал, 2 шахта қиялиги 3245 м. бўлагида ўпирилиш содир бўлган. 7 ишчи жароҳатланган, бир киши оламдан ўтган; “ОТМК” Ангрэн кон бошқармасининг “Қоч-Булок” шахтасида 365-370-5 блокда ўпирилиш содир бўлган. 1 ишчи жароҳатланиб ўлган; “Ўзбекқўмир” АЖ “Ер ости ишлари” филиали 870 шамоллатиш штреги ва 39 туташ йўли кесишувида қўмир ёниши оқибатида ёнғин содир бўлган;

Авария натижасида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғин ўчириш ва одамларни ер юзасига чиқаришда ҲҚҚҚ қисм бўлинмалари шахсий таркиби томонидан 331,8 одам/соат иш бажарилган, шундан 86,0 одам/соат иш респираторларда бажарилди.

3 маротаба хизмат кўрсатилувчи корхоналарда рўй берган бахтсиз ҳодисаларга чиқилди: “НТМК” ДК ЖКБ “З” конида 840 м горизонт, 21701-21702 блок 21701 тик тоғ йўлагидан бегона одам тушиб кетган; “Дехқанонобод калилий ўғитлар заводи” Унитар корхонаси тоғ-кон комплексида 3 қия стволида тоғ ишчисининг юрак хуружи; “Дехқанонобод калилий ўғитлар заводи” Унитар корхонаси тоғ-кон комплексида ўзи бошқарилувчи вагон комбайн билан тўқнашиб кетган. Вагон хайдовчиси жароҳатланган.

Жароҳат олган кишиларига ёрдам кўрсатиш ва қутқарув ишларида 59,6 одам/соат иш респираторсиз бажарилган.

ҲҚҚҚ қисм бўлинмалари шахсий таркиби томонидан бахтсиз ҳодисаларида 24 та киши жабрланган, 16 та кишининг ҳаёти сақлаб қолинган.

ҲҚҚҚ қисм бўлинмалари томонидан қуйидагилар амалга оширилди:

2305та техник ишлар бажарилган. бунда 20900,9 одам/соат сарф қилиниб,2801,0 одам/соат иш респираторларда бажарилган.

ҲҚҚҚисм бўлинмалари хизмат кўрсатадиган корхоналарда 491 маротаба тактик-ўқув машғулоти ўтказилган. Машғулоти давомида 10993,8 одам/соат сарф қилиниб, шундан 4795 одам/соат иш респираторларда бажарилган.

Шунингдек, 7-АХҚҚВзводи шахсий таркиби томонидан кон ишлари олиб борилмайдиган эски кон йўлларида содир бўлган ёнғин зарарли газларидан “Кочбулоқ” шахтасини ҳимоя қилувчи 7 дона ажратувчи тўсиқлар ўрнатилди. 12 штольнийнинг кон ишлари олиб борилмайдиган қисми текширувдан ўтказилди. Ушбу ишларни бажаришга 821 одам/соат сарф қилиниб, шундан 324 одам/соат иш респираторларда бажарилган.

2015 йил давомида «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекциясининг ҲҚҚҚисм бўлинмалари хизмат кўрсатадиган корхоналарда 1630 маротаба профилактика тадбирлар ўтказилган. Тадбирлар давомида ягона хавфсизлик қоидалари ва қўлланмалар 6918 ҳолатда бузилганлиги аниқланган:шамоллатиш усули бўйича - 1362; мавжуд ҳолатнинг «Аварияларни бартараф қилиш режаси»га мос келмаганлиги бўйича - 109; мустаҳкамлаш паспортлари, заколларнинг мавжудлигибўйича - 1086; механизмларга хизмат кўрсатиш бўйича – 550; электр жихозлардан фойдаланиш бўйича – 797; электр пайвандлаш ишларини олиб боришда - 78; пармалаш ва портилатиш ишларини олиб боришда- 33; ёнғин хавфсизлиги бўйича -1108; тез таъсир қилувчи захарли моддаларни қўлашда-237; бошқа турли қоида бузарликлар 1558; содир бўлган авариялар сони -11; авариялар, бахтсиз ва йўл транспорти ходисаларида жабрланганларга ёрдам кўрсатилган – 24; қутқарилган одамлар- 16.

ҲҚҚҚисм бўлинмалари хизмат кўрсатаётган корхоналарда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши ёки қўлланмаларга амал қилмаслик ҳолатларининг асосий қисми корхоналарёнғинга қарши бирламчи воситалари ва асбоб-ускуналар билан таъминланмаганлиги, шамоллатиш ускуналар ҳамда ёнғинга қарши қўлланиладиган қувурларнинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Шунингдек ҲҚҚҚисм бўлинмалари шахсий таркиби томонидан:хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг 2591 ишчи ва инженер-техник ходимларига авария вазиятларида ўзини тутиш қоидалари ўргатилди;225 маротаба оммавий портлатиш ишлари вақтида навбатчилик хизмати кўрсатилди; 256 ҳолатда фойдали қазилмалар қазиб олинмайдиган жойларни шамоллатиш хужжатлаштирилди;26970 та ўз-ўзини қутқарув асбобларининг герметиклиги текширувдан ўтказилди;6285та ўт ўчиргич асбоби текширилиб, қайта зарядланди.

ҲҚҚҚисм бўлинмалари ГАЛ томонидан жами 12975 маротаба анализ ўтказилиб, шундан:4525 марта кон ҳавоси таркибини текшириш бўйича, бунда 11 ҳолатда меъёрдан ортиқлиги қайд этилган;3297 марта кон ҳавосининг чангланганлиги бўйича, бунда 1 ҳолатда меъёрдан ортиқлиги қайд этилган;436 марта кўмир таркибидаги бошқа моддалар бўйича;1807 марта портлатишлардан сўнг кон ҳавосининг таркиби бўйича, бунда 19 ҳолатда меъёрдан ортиқлиги қайд этилган;2510 маротаба ички ёнғин двигателлари ишлатилганидан кейин кон ҳавосининг таркиби бўйича, бунда 43 ҳолатда меъёрдан ортиқлиги қайд этилган; 133 марта кислород бўйича;153 марта кимёвий ютгич (ХПИ) бўйича;118 марта пенообразователь бўйича.Шунингдек 801-та АМ-5 аспираторлари текширувдан ўтказилди.

#### **Лаборатория Унитар корхонаси**

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.06.2006 йилдаги объектларни хавфсизлигини таъминлаш борасидаги Ўзбекистан Республикаси Қонунлари, Ўзбекистан Республикаси Олий мажлис сенатининг 25.08.2006 йилдаги 222- 1-сонли қарори, "Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.12.2008 йилдаги 271-сонли, ҳамда «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг 22.12.2008 йилдаги 291 - сонли буйруқларини бажарилиши юзасидан «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига қарашли УК “Лаборатория”си томонидан 2015 йил давомида қуйидаги ишлар бажарилди:

«Absolut Gaz Proekt» МЧЖ билан АГНКС, ГНСларда юқори босим билан ишлайдиган ер усти ва ер ости газ қувурларида комплекс дефектоскопик текширишлари ўтказилиши, келгусидаги ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли хужжатлар берилиши;

Самарканд шаҳридаги «Темп» хусусий корхонасида юқори хажмдаги сифимларнинг пайвандланган чоклари назорат қилиниб. қувурларнинг изоляция қопламаларининг сифати текширилиб ва уларнинг техник ҳолати аниқланиб берилиши ҳақида шартномалар тузилди.

Шунингдек: «Самавто» МЧЖ билан сув иситиш қозонлари ва тутун чиқадиган трубаларида комплекс дефектоскопик текширувлар ўтказилиб техник ҳолати аниқланди; ООО «ELIT MONTAJ SISTEMA» корхонаси билан тузилган шартнома асосида қозонхоналарга уландиган газ қувурларининг пайвандланган чоклари сифати текширилиди; ВВТИ ТТК (Таможня института) билан тузилган шартнома асосида ер ости иссиқлик трассаларида комплекс

дефектоскопик текширишлар ўтказилди; Самарканд ёқилғи сақлаш омборхонаси билан тузилган шартнома асосида сигимларнинг техник ишлаш ҳолати аниқланди; «Сирдарё пропан газ сервис» корхонаси билан тузилган шартнома асосида юқори босимда ишлайдиган сигимларда комплекс дефектоскопик текширишлар ўтказилди; ОАО «Ўзвагонгазтаъмир» корхонаси билан тузилган шартнома асосида кислород цехининг юқори босимда ишлайдиган сигимларида комплекс дефектоскопик текширишлар ўтказилди; ДК «Жанубий "Ўзбекистан геологик тасвирлаш, излаш» корхонаси билан тузилган шартнома асосида жихозларнинг ишлаш техник ҳолати қобилияти текширилди; ООО «Темп-Пластик» корхонаси билан тузилган шартнома асосида АЗСдаги технологик қувурларида комплекс дефектоскопик текширишлар ўтказилди; ГП «Центральная ГГЭ» корхонаси билан тузилган шартнома асосида автоцистерналарнинг техник ҳолати аниқланиб, комплекс дефектоскопик текшириш ўтказилди; «Шимолгазтаъминот» УК корхонаси билан тузилган шартнома асосида юқори босимда ишлайдиган сигимларда комплекс дефектоскопик текширишлар ўтказилди; СП ООО «REPROCESSING UZ» корхонаси билан тузилган шартнома асосида юқори босимда ишлайдиган сигимларда комплекс дефектоскопик текширишлар ўтказилди ва уларга келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига юзасидан тегишли ҳужжатлар берилди.

ОАО «Ўзнефтмахсулот» корхонаси ўртасида қуйидаги нефт базаларда сигимлар паркиннинг комплекс дефектоскопик текширишлари ўтказилиши ҳақида шартнома тузилди: «Кучлик» нефтбаза Унитар корхонаси; «Пахта» нефтбаза Унитар корхонаси; «Қоканд» нефтбаза Унитар корхонаси; «Қинобод» нефтбаза Унитар корхонаси; «Бухоро» нефтбаза Унитар корхонаси; «Фаргона» нефтбаза Унитар корхонаси; «Андижон» нефтбаза Унитар корхонаси.

ООО «GAZ-SERVIS-DEVICE» корхонаси билан газ қувурларни комплекс дефектоскопик текширишлар ўтказилиши, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлиги аниқланиб тегишли ҳужжатлар берилиши ҳақида шартнома тузилди.

АО «МЕХМАШ» корхонасига тегишли юк қўтариш механизмларида комплекс дефектоскопик текширувлар ўтказилиб келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлиги ҳолати аниқланиб, тегишли ҳужжатлар берилиши ҳақида шартнома тузилди. Зангиота туманидаги Махсус авария-тиклаш бошқармаси 15361-сонли «харбий қисм» билан тузилган шартнома асосида сув иситиш қозонларининг техник ҳолати аниқланиб, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли ҳужжатлар берилди.

ГП «НИИМП» институти, Джума шаҳридаги «Илғор» комбинатлари билан тузилган шартномалар асосида дробилка ускуналарида комплекс дефектоскопик текширувлар ўтказилди ва ишлаб чиқаришдаги хавfli объектларнинг ҳолати аниқланиб, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли ҳужжатлар берилди.

АО «ТВСРЗ» корхонаси билан йўловчи ташиш вагонларидаги газэлектр пайвандлаш ишларини олиб боровчи ходимларининг малакасини ошириб аттестация ўтказилиши, ҳамда тегишли рухсатнома ҳужжатлари берилиши ҳақида шартнома тузилди.

АО «ЎЗКТЖМ» билан тузилган шартнома асосида аммиакли сув газ қувурларининг комплекс дефектоскопик ҳолатлари аниқланиб, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли ҳужжатлар берилди.

ДП «GAZ-SERVIS-DIZAN» корхонаси билан тузилган шартнома асосида ўрта босимли газ қувурларининг техник ҳолати аниқланиб, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли ҳужжатлар берилди.

ООО «Самарканд иккиламчи қора металл» билан тузилган шартнома асосида қорхонага тегишли юк қўтариш механизмларида комплекс дефектоскопик текширувлар ўтказилиб келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлиги ҳолати аниқланиб, тегишли ҳужжатлар берилди.

«Ғаллаорол» УМГ корхонаси билан тузилган шартнома асосида юқори босимли газ қувурларидаги содир бўлган авария сабаблари аниқланиб, ҳулосалар берилди.

«Самарканд вилояти ТУП РСИ бошқармаси» билан тузилган шартномага асосан автоцистерналарнинг техник ишлаш ҳолатлари аниқланиб, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли ҳужжатлар берилди.

ДП «Ургенчтрансгаз» Қунград УМГ билан тузилган шартномага асосан юқори босимли сигимларнинг техник ишлаш ҳолатлари аниқланиб, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли ҳужжатлар берилди.

«Управлением береговых дамб и руслорегулирующих сооружений» билан тузилган шартнома асосида қорхонага тегишли юк қўтариш механизмларида комплекс дефектоскопик текширувлар ўтказилиб келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлиги ҳолати аниқланиб, тегишли ҳужжатлар берилди.

**“Саноат хавфсизлиги” қўмақлаштириш маркази УК**



Саноат хавфсизлигининг экспертизасини ўтказиш учун 26 та ариза келиб тушди. Шулардан: Лойиҳа хужжатлари экспертизаси – 13; Декларация экспертизаси – 1; Идентификация ўтказиш – 12; Техника қурилмалари экспертизаси – 0.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини (ХИЧО) экспертизадан ўтказиш учун буюртмачилар билан 26 та шартнома тузилди: Лойиҳа хужжатлари экспертизаси – 13; Декларация экспертизаси – 1; Идентификация ўтказиш – 12; Техника қурилмалари экспертизаси – 0.

ХИЧОлар буйича 35 та саноат хавфсизлиги экспертизаси бўйича хулоса берилди, жумладан: Лойиҳа хужжатлари экспертизаси бўйича хулоса – 21; Декларация экспертизаси бўйича хулоса – 0; ХИЧО идентификация хулосаси – 14.

Саноат хавфсизлиги экспертиза бўлими мутахассислари томонидан доимий равишда саноат хавфсизлиги хужжатлари бўйича ўқув ишлари амалга оширилмоқда.

**СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ:** Хавфли ишлаб чиқариш объектларини саноат хавфсизлигини ва маҳсулотларни синовдан ўтказиш, сертификатлаштириш ва паспортилаштиришда ишлатиладиган, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекциясининг Сертификатлаштириш Идорасининг меъёрий хужжатлар фонди 2015 йилнинг 1 март ҳолатига келиб 1422 донани ташкил этади.

«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси назорати остидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси томонидан 159585 дона ускуналар сертификатлаштирилди;

2015 йил учун мувофиқлик сертификатлариган томонидан 2015 олинди. Шулардан: Баллоны стальные сварные бытовые, производства Беларусь; Баллоны стальные сварные бытовые, производства Россия; Устройства инициирующие детонирующие, производства Россия; Электродетонаторы, производства Россия; Шнуры детонирующие и огнепроводные, производства Россия; Аппараты конвективные отопительные газовые, производства Украина. «Ўзстандарт» агентлиги ваколатни топширгани учун СИ СХКМ томонидан 2015 йилнинг 12 ойи учун «Ўзстандарт» агентлигига 22980,91 минг сўм ўтказилди;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси назорати остидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси томонидан 2015 йилда лойиҳа хужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича 134 шартнома тузилиб, 254,16 млн.сўмга иш бажарилди. Ҳамда, мурожатларга асосан 1626 та мувофиқлик сертификатлари берилди ва 513093,9 минг сўмни ташкил қилди.

#### **“Kontexnazorat o'quv” ИТМ ДУК**

Контехназорат ўқув” илмий техник маркази давлат унитар корхонаси 2015 йил давомида 2013 йил 10 ноябрда Шайхонтохур тумани “Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш” инспекцияси томонидан рўйхатга олинган № R-09-00905 сонли марказнинг янги таҳрирдаги Устави ҳамда Ўзстандарт агентлигининг 2014 йил 19 декабрдаги № 05-598 сонли буйруғи билан тасдиқланди ҳамда №5321 рақам билан давлат рўйхатига олинган «Саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларнинг ва корхоналар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат талаблари» (O'zDST 2877:2014) асосида ишларни олиб борди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271–сон “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131–сонли қарори 3-иловасининг III-бўлим билан юклатилган бир қатор вазифаларни амалга оширди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, саноат хавфсизлиги соҳасидаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари мутахассисларини “Саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни тайёрлаш”, “Саноат хавфсизлиги”, “Саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни қайта тайёрлаш” ўқув курсларида ўқитиш учун “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг тармоқ инспекцияси билан келишилиб, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган 80, 40 ва 20 соатлик дастур асосида ўқитиш ишлари олиб борилди.

“Саноат хавфсизлиги” курси тингловчиларини хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотларидан тушган мурожатлар асосида йиллик режа ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментлари томонидан тасдиқланди ҳамда шу асосида 2015 йил учун мўлжалланган ўқув ишлари ва бошқа кўзда тутилган ишлар амалга оширилди.

Мазкур йил давомида ташкил этилган ўқув курсларда жами 1619 нафар мутахассис ходимлар ўқитилди. Жумладан, режа асосида ташкил этилган “Саноат хавфсизлиги” курси бўйича 747 мутахассис. Режадан ташқари келиб тушган талабномалар асосида эса 760 нафар мутахассислар ўқув курсларида иштирок этди. “Саноат хавфсизлиги соҳасида экспертларни тайёрлаш” курсида эса 74 нафар мутахассис ходимлар иштирок этишди. “Саноат хавфсизлиги

соҳасида экспертларни қайта тайёрлаш” курсида эса 38 нафар мутахассис ходимлар иштирок этишди.

2014 йил якунларига нисбатан таққосланганда 2015 йилда мутахассисларни тайёрлаш ишларида 14 % ўсишга эришилди.

“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг мутахассис ходимлари билан ҳамкорликда шартнома асосида жойларга бориб “Саноат хавфсизлиги” курсларини ўқитиш ишлари амалга оширилди. Жумладан:

27 июлдан – 31 июлига қадар Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрида жойлашган “Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар комбинати” нинг 35 нафар мутахассис ходимлари;

3-7 август кунлари Бухоро вилояти Қоровулбозор шаҳрида жойлашган “Бухоро нефтни қайт ишлаш заводи” нинг 100 нафар ишчи ходимлари;

17-21 август кунлари Навоий вилояти Навоий шаҳрида жойлашган “Навоийазот” корхонасининг 30 нафар мутахассис ходимлари;

24-28 август кунлари Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида “Муборак газни қайт ишлаш заводи” нинг 50 нафар мутахассис ходимлари;

9-12 декабр кунлари Қорқақалпоғистон Республикаси Оқчалок кўрғонида жойлашган “Uz Sor Gaz Cemical” корхонасининг 30 нафар мутахассис ходимлари;

Илмий техник маркази “Путур етказмайдиған назорат қилиш усуллари ёрдамида дефектоскопия ва металлларни қалинлигини ўлчаш, пайвандлаш ишларини ўтказиш” бўйича “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан 2015 йил 11 июнда №03/16-0927-БГ сонли рухсатнома олинди.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларида фойдаланиладиган юк кўтариш машиналарини шартнома асосида техник кўриқдан ўтказиш бўйича ҳам ишлар амалга оширилди. Шартнома асосида “Урганч трансгаз” шўъба корхонасининг 6 нафар юк кўтариш машиналарида техник текширув ўтказилиб хулосалар берилди.

Шунингдек, “UZVALVE” МЧЖ, “Автомагистрал” корхонаси, “Тошкент механика заводи”, “Гидроспецстрой”, “Ўзбеккўмир” корхоналарининг техник қурилмалари шартнома асосида техник текширувдан ўтказилди.

“Kontexnazorat o'quv” илмий техник маркази 2015 йил 10 июнда аккредитация қилинган эксперт ташкилотлар реестрида № ЭТ-013–сон билан рўйхатга олинди.

“ARTUS”, “Mega Avto Gaz Servis”, “Охангаронцемент” ва “ЧП Яшнаербек Ражабов” корхоналари шартнома асосида экспертизадан ўтказилиб якуний хулосалар берилди.

“Контехназорат ўқув” илмий техник маркази фаолиятига оид “Илғор тажриба – тарққиёт гарови” мавзусидаги мақола “Қадрият” ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси саҳифасида чоп этилди

**Давлат инспекцияси бошлиғи**

**Б.В.Гулямов**